

СОЛИҚ ва БОЖХОНА ХАБАРЛАРИ

1994 йил январдан чиқа бошлаган, ҳафтада бир марта чоп этилади

№ 37 (1361) • 2020 йил 15 сентябрь

ISSN 2010-524X

УШБУ СОНДА

Меъёр доирасида йўқотилган
газнинг бухгалтерия ҳисоби

2-бет

ЭХФ юкхатнинг ўрнини
босадими?

4-бет

Қонун ҳужжатларида қандай
янгиликлар бор?

5-10-бетлар

Пандемия шароитида экспорт
ҳажмини ошириб...

12-13-бетлар

КОРХОНА ТУГАТИЛГАНДА
МОЛ-МУЛ ҚАНДАЙ ТАСАРРУФ
ЭТИЛАДИ

Бундай операцияларнинг
ҳисобда акс эттирилиши ва
солиқ оқибатлари

14-15-бетлар

Камерал текширувда талаб
қилинадиган ҳужжатлар

16-бет

✓ ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

ЧЕТ ЭЛИК ТАДБИРКОРЛАР ЯГОНА БАЗАГА КИРИТИЛАДИ

Вазирлар Маҳкамасининг 4.09.2020 йилдаги 539-сон қарори билан юридик шахслар, фаолиятини ваколатхона, филиал ёки доимий муассаса орқали амалга ошираётган чет эл юридик шахслари ва тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахслар тўғрисидаги маълумотларни йиғиш, қайта ишлаш ва сақлаш механизмларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари белгиланди.

Юридик шахслар, фаолиятини ваколатхона, филиал ёки доимий муассаса орқали амалга ошираётган чет эл юридик шахслари ва тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахслар тўғрисида ягона марказлаштирилган ахборот манбаини шакллантириш, шунингдек давлат хизматларини кўрсатишда идоралараро электрон ҳамкорликни таъминлаш мақсадида қуйидагилар тасдиқланди:

- Юридик шахслар, фаолиятини ваколатхона, филиал ёки доимий муассаса орқали амалга ошираётган чет эл юридик шахслари ва тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахсларнинг марказий маълумотлар базасини шакллантириш ва юритиш тартиби тўғрисидаги низом;
- Марказий маълумотлар базасида фойдаланиладиган классификатор ва маълумотномалар рўйхати.

Ҳужжат билан қуйидагилар белгиланди:

- Давлат солиқ қўмитаси Марказий маълумот-

ҚҚС ТЎЛОВЧИЛАРГА СОЛИҚ БОШҚАРМАЛАРИ ХИЗМАТ КЎРСАТАДИ

Аввал хабар қилинганидек, ҚҚС тўловчилари босқичма-босқич янги даражага ўтмоқда.

Уларга хизмат кўрсатиш 1 сентябрдан бошлаб ҳудудий солиқ бошқармаларига ўтказилди.

Хизмат кўрсатишнинг янги тартиби биринчи босқичда Тошкент, Андижон ва Сурхондарё вилоятларида жорий этилди. Ушбу ҳудудларда 1 июлдан бошлаб, солиқ тўловчиларга Тошкент шаҳар ва вилоят давлат солиқ бошқармаларида хизмат кўрсатилмоқда. Илгари бу ишни шаҳар ва туман давлат солиқ инспекциялари кўриб чиқарди.

Бу жараёни амалиётда кўрсатиш мақсадида Давлат солиқ қўмитаси «Солиқ идораси – тадбиркорга кўмакчи: ҚҚС тўловчиларига хизмат кўрсатиш мисолида солиқ органлари солиқ тўловчиларга кўрсатилаётган сервис хизматлар, ҚҚСни қайтаришнинг янги тартиби» мавзусида пресс-тур ташкил этди.

– Халқаро валюта жамғармаси экспертларининг ишни самарали ташкил

этиш орқали тизимни оптималлаштириш ва такомиллаштириш борасидаги тавсияларини ўргандик, – дейди Тошкент шаҳар ДСБ бошлиғи ўринбосари Жаҳонгир Мирўлатов. – Натижада ДСҚ ҳузурида йирик солиқ тўловчилар бўйича ҳудудлараро давлат солиқ инспекцияси ташкил этилди.

Солиқ тўловчиларнинг маълум тоифаларига нисбатан солиқ маъмуриятчилигини манзилли тартибда юритилиши самарали экани исботланди. Бунда ҳудудий ДСБлар ҚҚСни расмийлаштириш ва қайтариш билан шуғулланадиган махсус бўлимлар ташкил этишга асосланган. ДСБларда умумбелгиланган солиқлар бўйича маълумотларни жамлаш учун юқори малакали мутахассисларни жалб этиш чоралари кўрилмоқда. Шунингдек, солиқ тўловчиларга одатий тартибда ва масофадан туриб хизматлар кўрсатиш учун мак-

симал даражада қулайликлар яратилмоқда.

Тадбирда янги механизм хизмат кўрсатиш сифати ва тезлигини оширгани кайд этилди. Солиқ тўловчиларнинг солиқ органларига биринчи муурожаатида ечимини топмаган масала бўйича юқори органлардан жавоб кутиш ҳолатлари кескин камайган.

Таркибий тузилмани қайта ташкил этиш тадбиркорлик субъектларидан ортиқча оворагарчиликларни талаб қилмади, барчаси автоматик тарзда амалга оширилди.

Айни вақтда Давлат солиқ қўмитасида ҚҚС тўловчиси сифатида 102 537 та субъект рўйхатга олинган. Қашқадарё вилоятида – 10 219, Андижон вилоятида – 6 783, Сурхондарё вилоятида – 5 509 та шулар жумласидандир.

ЎЗА МАТЕРИАЛИ АСОСИДА.

лар базасини юритиш бўйича ваколатли орган ҳисобланади;

- Марказий маълумотлар базаси солиқ органларининг Ягона интеграциялаштирилган ахборот-ресурс базаси негизда ташкил этилади;

- маълумотлар ва классификаторлар Электрон ҳукуматнинг маълумотномалар ва классификаторлар регистрини шакллантириш ва юритиш ҳамда ягона идентификаторлардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомга (ВМнинг 16.07.2020 йилдаги 444-сон қарори билан тасдиқланган) мувофиқ жойлаштирилади ва янгиланган бўлади.

ДСҚга манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда қуйидагиларни амалга ошириш топширилди:

- бир ой муддатда 2020 йил 1 декабрга қадар давлат органлари ва ташкилотларининг ахборот тизимлари ва ресурсларини Марказий маълумотлар базасига интеграция қилиш графигини тасдиқлаш;
- уч ой муддатда:

- киберхавфсизлик талабларига жавоб берадиган замонавий сервер ускуналарини харид қилиш ва ўрнатиш;
- давлат органлари ва ташкилотларининг ахборот тизимларини Марказий маълумотлар базаси билан бириктириш учун техник талабларни тасдиқлаш;

2021 йил 1 январга қадар марказий маълумотлар базасини ишлаб чиқиш ва ишга тушириш.

Марказий маълумотлар базасига маълумотларнинг киритилиши ва янгиланишига масъул бўлган давлат органлари ва ташкилотларига қуйидаги вазифалар топширилди:

- икки ой муддатда тасдиқланган классификаторлар ва маълумотномалар рўйхатига мувофиқ ўзларининг ахборот тизимлари ва маълумотлар базаларига ўзгартириш киритилишини таъминлаш;

2021 йил 1 январга қадар тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи чет эл юридик ва жисмоний шахслари тўғрисидаги ўзларининг мавжуд маълумот базаларидаги маълумотларнинг ҳаққонийлиги ва долзарблигини таъминлаш бўйича ҳатлов ўтказиш.

Давлат статистика қўмитасига бир ой муддатда Марказий маълумотлар базасидаги йиғма маълумотларни эълон қилиш жадваллари намуналарини ишлаб чиқиш топширилди.

ДСҚ Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда электрон ҳамкорлик орқали рўйхатдан ўтказилган ва аккредитациядан ўтган тегишли ташкилотлар тўғрисидаги маълумотларнинг Марказий маълумотлар базасига киритилишини таъминлаш лозим.

Ҳужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) эълон қилинган ва 4.09.2020 йилдан кучга кирди.

Лола АБДУАЗИМОВА.

DDP ЕТКАЗИБ БЕРИШ ШАРТЛАРИДА ТЎЛАНГАН «БОЖХОНА ҚҚС»НИ ҲИСОБГА ОЛИШ МУМКИНИ?

Корхона DDP етказиб бериш шартларида товарни импорт қилди. Божхона тўловлари, шу жумладан ҚҚСни чет эллик етказиб берувчи топшириғига биноан брокерлик фирмаси тўлади. Импорт қилувчи корхона брокерлик фирмаси томонидан тўланган ҚҚСни ҳисобга олишга ҳақлими? Ушбу савол юзасидан молия вазирининг ўринбосари Дилшод СУЛТОНОВ тушунтириш берди.



– ИНКОТЕРМС 2010 га асосан DDP (Delivered Duty Paid – «Бож тўланган ҳолда етказиб бериш») шартларида етказиб бериш, сотувчи товарни:

- олиб кириш учун зарур бўлган божхона божларидан тозаланган;
- уни етказиб бериш ва сургуталаш учун ўз ҳисобидан тўловни амалга оширган;
- келишилган сана ёки даврда муайян белгиланган жойда юкни тушириш учун тайёр ҳолда харидор тасарруфига тақдим этишни аниқлади.

Мазкур етказиб бериш шартларида сотувчи:

- товарни белгиланган жойга етказиб бериш билан боғлиқ харажатлар ва хаттарларга эга бўлади;
- товарни ҳам олиб чиқиш, ҳам олиб кириш учун зарур божхона тартиб-таомилларини амалга оширади;
- товарни олиб чиқиш ва олиб кириш чоғида ундирилган барча божлар, солиқлар ва йиғимларни тўлайди.

Агар контрактда бошқа шартлар назарда тутилмаган бўлса, DDP импорт қилишда ҳар қандай солиқлар, шу жумладан ҚҚС сотувчи томонидан унинг ҳисобидан тўланишини назарда тутлади.

Декларантнинг ўзи ҳам, божхона брокери ҳам, агар бу декларант билан тузилган шартномада назарда тутилган бўлса, божхона тўловлари тўловчиси бўлиши мумкин (Божхона кодекси 295-м.). Бунда ҳар қандай манфаатдор шахс тўловчи учун божхона тўловларини тўлашга ҳақли.

Божхона брокери томонидан тўланган «божхона» ҚҚСни импорт қилувчи корхона томонидан ҳисобга олиш имконияти шартнома шартларига боғлиқ. Агар шартномага биноан ҚҚСни божхонада брокер тўласа, импорт қилувчи эса тўланган солиқ суммасини қоплаб берса, импорт қилувчи ушбу ҚҚС суммасини ҳисобга олишга ҳақли.

Шу тариқа, импорт қилувчининг «божхона» ҚҚСни ҳисобга олиш ҳуқуқини аниқлашда шартнома шартларига, айнан – DDP етказиб бериш шартларида ким ҚҚС тўловчиси эканлигига мурожаат қилиш зарур.

МИСОЛ. Ўзбекистон корхонаси хориздан DDP шартларида товар сотиб олади. Сотувчининг топшириғига биноан Ўзбекистонда божхона расмийлаштирувини божхона брокери амалга оширади.

1-вариант. Барча божхона тўловларини, шу жумладан ҚҚСни брокер тўлайди. Шундан кейин сотувчи унга божхонада қилган харажатларини қоплаб беради ва хизмати учун ҳақ тўлайди. Мазкур вазиятда харидор «божхона» ҚҚСни ҳисобга олиш ҳуқуқига эга эмас, сабаби у солиқ тўламаган, ҚҚС бўйича харажатларини сотувчи қилган.

2-вариант. Барча божхона тўловларини, шу жумладан ҚҚСни брокер тўлайди. Шундан кейин харидор унга божхонада тўланган ҚҚС суммасини қоплаб беради, сотувчи эса – божхонада қилган қолган харажатларини қоплаб беради ва хизмати учун ҳақ тўлайди. Бундай вазиятда харидор «божхона» ҚҚСни ҳисобга олишга ҳақли, сабаби у брокерга қоплаб бериш орқали ҳаққатда солиқни бюджетга тўлаган.

3-вариант. ҚҚСдан ташқари, барча божхона тўловларини брокер тўлайди, ҚҚСни эса – харидор тўлайди. Шундан кейин сотувчи брокерга у томондан божхонада қилган харажатларини қоплаб беради ва мукофотни тўлайди. Харидор «божхона» ҚҚСни ҳисобга олишга ҳақли, сабаби у мустақил равишда солиқни бюджетга тўлаган.

buxgalter.uz

✓ СОЛИҚ СОЛИШ

? Умумбелгиланган солиқларни тўлайдиган корхона сиқилган газ қуйиш шохобчасини очди, у ўз фаолиятини 2020 йил 14 августдан бошлади. Дастлабки кунларда 17 500 куб м миқдордаги сиқилган газ автомобилларга бепул қуйилди. 2020 йил 18 августдан газни банк терминал и ва онлайн-НКМдан фойдаланган ҳолда тўлов эвазига реализация қилишни бошлади.

1. Автомобилларга бепул сиқилган газ қуйиш бухгалтерия ҳисобида қандай акс эътирилади ва бунда солиқ оқибатлари қандай бўлади?

2. Меъёр доирасида газ йўқотилиши бухгалтерия ҳисобида қандай акс эътирилади ва бу қандай солиқ оқибатларини юзага келтириши мумкин?

СИҚИЛГАН ГАЗНИ БЕПУЛ ҚУЙИШНИНГ СОЛИҚ ОҚИБАТЛАРИ

1 Автомобилларга бепул сиқилган газ қуйиш фойда солиғи, ҚҚС ва акциз солиғи, шунингдек ЖШДС бўйича оқибатларни юзага келтиради.

Газни бепул бериш ҚҚС солинадиган реализация бўйича айланма ҳисобланади. Солиқ базаси ушбу товарнинг бозор қийматидан келиб чиқиб аниқланади (СК 239-м., 248-м. 3-қ.).

Фойда солиғини ҳисоблашда газни бепул асосда беришдан зарар чегирилмайдиган харажат ҳисобланади (СК 317-м. 27-б.).

Автомобилларга ёқилги қуйиш шохобчалари орқали пировард истеъмолчига газни бепул бериш акциз солиғи солинадиган объект ҳисобланади. Солиқ базаси натура кўринишида берилган товар ҳажмидан келиб чиққан ҳолда аниқланади (СК 284-м. 1-қ. 1-б., 285-м. 2-қ.).

Жисмоний шахсларга тегишли автомобилларга бепул ёқилги қуйишда уларда товарнинг харид қийматидан келиб чиқиб аниқланадиган моддий наф тарзидаги даромад юзага келади. Корхона солиқ агенти ҳисоблан-

ганлиги боис солиқ тўлаши лозим (СК 376-м. 2-қ., 387-м. 1-қ. 2-б.).

Ўзбекистон Республикаси резиденти бўлган жисмоний шахсга моддий наф тарзидаги даромад тўлайдиган, у билан меҳнат муносабатларида бўлмаган солиқ агенти жисмоний шахснинг ёзма аризасига асосан ЖШДСни ушлаб қолмасликка ҳақли. Бунда солиқ тўловчи моддий наф тарзидаги даромад бўйича йиллик ялпи даромад тўғрисидаги декларацияни тақдим этиш орқали солиқ тўлаши шарт (СК 387-м. 2-қ.).

Жисмоний шахслардан ЖШДСни ушлаб қолишнинг иллати бўлмаса ва (ёки) улардан ёзма ариза олишнинг имкони бўлмаган тақдирда, корхона ЖШДСни ўз маблағлари ҳисобидан тўлайди. Тўланган сумма фойда солиғини ҳисоблашда чегириб ташланмайди (СК 317-м. 3-б.).

Автомобилга бепул сиқилган газ қуйиш бухгалтерия ҳисоби: 9430-«Бошқа операциялар харажатлар» счёти дебети; 2910-«Омбордаги товарлар» счёти кредити.

газ йўқотилиши бухгалтерия ҳисоби:

9430-«Бошқа операциялар харажатлар» счёти дебети; 2910-«Омбордаги товарлар» счёти кредити.

Азизахон ТОШХЎЖАЕВА,
«Norma» МЧЖ эксперти.

! Товарларни импорт қилишда солиқ тўловчи ҳаққатда олинган товарлар бўйича ҚҚС суммасини ушбу солиқ суммаси бюджетга тўланганлиги шарт билан ҳисобга олишга ҳақли (СК 266-м. 1-қ. 3-б.).

УШБУ СОНДА:

– ҚҚС тўловчиларга солиқ бошқармалари хизмат кўрсатади

• **ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР** 1-бет

– Чет эллик тадбиркорлар ягона базага кiritилиди 1-бет

• **МУТАХАССИС ТУШУНТИРАДИ**

– DDP етказиб бериш шартларида тўланган «божхона» ҚҚСни ҳисобга олиш мумкинми? 2-бет

• **СОЛИҚ СОЛИШ**

– Сиқилган газни бепул қуйишнинг солиқ оқибатлари

– Экспорт шартномаси бўйича имтиёзлар

– Солиқ солинадиган айланмалар бўйича ҚҚСни ҳисобга олиш

– Офис биносидан бепул фойдаланилганда айланмадан олинган солиқ 2-3-бетлар

• **ЖАВОБ БЕРАМИЗ**

– ЭХФ етарли бўлади

• **ЎЗБЕКИСТОН ҚОНУНЧИЛИГИДАГИ ЯНГИЛИКЛАР**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

– «Ер ҳисоби ва давлат кадастрларини юритиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»

Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори

– «Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори

– «Юридик шахслар, фаолиятини ваколатхона, филиал ёки доимий муассаса орқали амалга оширилган чет эл юридик шахслари ва тадбиркорлик фаолияти билан шугулланувчи жисмоний шахслар тўғрисидаги маълумотларни йиғиш, қайта ишлаш ва сақлаш механизмларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»

Илоравий меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат

– ЎзР МБ бошқарувининг «Ўзбекистон Республикасида валюта операцияларини амалга ошириш қондаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори

5-10-бетлар

• **БОЖХОНА**

– Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш – божхоначилар эътиборида

– 7,2 млн долларлик маҳсулот – экспортга

– 10 млрд сўмлик мато – ноқонуний сакланишда

– Тадбиркорлар фикр-мулоҳазалари ўрганилди

– Экспорт имкониятларидан фойдаланиб...

– «Навой» ЭИЗ – инвесторлар учун кенг имкониятлар майдони

– Эришилган натижалар сарҳисоби

11-13-бетлар

• **БУХГАЛТЕРГА ТАВСИЯЛАР**

– Корхона тутатилганда мол-мулк қандай тасаруф этилади

14-15-бетлар

• **НАЗОРАТ**

– Камерал текширув: қанча ҳужжат сўралиши мумкин

16-бет

Тахририят аноним хатларга муносабат билдирмасликка ҳақли, лекин қонун ҳужжатларида белгилангандан ташқари ҳолларда респондентнинг хоҳишига кўра у ҳақдаги ахборотни учинчи шахсларга бермаслиги мумкин.

«СБХ» газетасида эълон қилинган материалларни тўлиқ ёки қисман кўчириб босиш, электрон ва бошқа манбаларда кўпайтириш, тарқатишга фақат «NORMA davriy nashrlari» МЧЖ билан тузилган шартнома асосида йўл қўйилади.

ЭКСПОРТ ШАРТНОМАСИ БЎЙИЧА ИМТИЁЗЛАР

? Хорижий корхонанинг (МЧЖ) асосий фаолият тури ЎзР ҳудудида халқаро кўрғазмаларни ўтказишдан иборат. Кўрғазмаларнинг асосий иштирокчилари – хорижий компаниялар. Улардан тўловни хорижий валютада оламиз. Бундай шартномалар бўйича даромадлар умумий тушумнинг 15%идан ортиқни ташкил этади.

Фойда солиғи бўйича ноль даражаси ставкани қўллаш тўғриси?

Президентнинг 26.03.2012 йилдаги ПҚ-1731-сон қарорига ўзгартиришлар киритиш қисмида 19.06.2020 йилдаги ПФ-6011-сон Фармони қабул қилиниши муносабати билан ноль даражаси ставка қўлланилиши 1.10.2020 йилдан бошлаб ўзгарадими?

– Президентнинг «Экспорт қилувчи корхоналарни рағбатлантиришни кучайтириш ва рақобатбардош маҳсулотларни экспортга етказиб беришни кенгайтириш борасида қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига (26.03.2012 йилдаги ПҚ-1731-сон) илова 2020 йил 1 октябрдан ўз кучини йўқотади, унда экспорт қилувчи корхоналар учун солиқ имтиёзлари ва преференциялари санаб ўтилган (19.06.2020 йилдаги ПФ-6011-сон Фармонга 1-илова 10-банди). Бу экспорт қилувчи корхоналар Солиқ кодекси билан тақдим этиладиган имтиёзлардан фойдаланишини, уларнинг шартномалари эса бир вақтнинг ўзида қуйидаги шартларга жавоб берган тақдирда экспорт шартномаларига тенглаштирилишини аниглади:

- хорижий валютада тузилган;
- норезидентлар билан тузилган;
- тўғридан-тўғри шартномалар;
- ЎзР ҳудудида хизматлар кўрсатиш;
- воситачи орқали эмас, балки ўз сай-харажатлари билан хизматлар кўрсатиш (ПҚ-1731-сон қарорнинг 5-банди).

Сизнинг ҳолатда барча кўрсатиб ўтилган шартларга риоя этилган – шартнома экспорт шартномага тенглаштирилади.

Экспортга хизматларни реализация қилишдан олинган фойдага қуйидаги

ҳолатларда 0% ставкаси бўйича фойда солиғи солинади (СК 337-м. 1-қ. 6-б.):

- экспортдан олинган даромадлар яппи даромаднинг 15%ини ташкил этганда (СК 337-м. 8-қ.);
- хорижий валютадаги тўлов хизматлар кўрсатилган кундан бошлаб 180 кундан кечиктирмай келиб тушганда (СК 337-м. 10-қ.).

Фойда солиғи бўйича турли ставкаларни (15% ва 0%) қўллаганлигини сабабли, даромадлар ва харажатларнинг алоҳида ҳисобини юритишингиз лозим. Алоҳида ҳисоб юритиш тартиби солиқ солиш мақсадларида корхонанинг ҳисоб сисъатида акс эттирилиши лозим (СК 77-м. 1-қ. 3-б., 80-м.).

Маълумот учун!

Шунга ўхшаш имтиёз айланмадан олиннадиган солиқни тўловчиларда мавжуд. Экспорт ва уларга тенглаштирилган шартномалар бўйича хизматлар кўрсатишдан олинган даромадлар, агар бундай даромадлар умумий даромаднинг 15%идан кўпрогини ташкил этса, улар солиқ солинадиган базага киритилмайди (солиқ солинмайди) (СК 464-м. 1-қ. 6-б.).

Ольга БУСАРОВА,
«Norma» МЧЖ эксперти.



СОЛИҚ СОЛИНАДИГАН АЙЛАНМАЛАР БЎЙИЧА ҚҚСНИ ҲИСОБГА ОЛИШ

? Чакана дорихона умумбелгиланган солиқларни тўлайди. Дори воситаларидан ташқари, ҚҚС солинадиган халқ истеъмоли товарлар ҳам реализация қилинади.

Бундай чакана савдо қилувчи дорихона учун ҚҚС ҳисоб-китобини жўнатиш бўйича йўриқнома мавжудми?

– Дори воситалари ва тиббий буюмларни реализация қилиш бўйича айланма ҚҚС тўлашдан озод этилган (СК 243-м. 1-қ. 13-б.). Имтиёз мавжуд бўлса, корхона ҚҚСдан озод этиш бўйича имтиёзни қўллаши шарт (СК 75-м. 6-қ.).

Бироқ дорихона товарларни реализация қилиш бўйича айланма ҚҚСдан озод этилмайди. Бунда ҚҚС ҳисобланади ва харидорлардан ундирилади.

Корхонада солиқ солинадиган ва ҚҚСдан озод этиладиган айланмалар мавжуд бўлса, солиқ солинадиган айланмага тўғри келадиган ҚҚС суммаси ҳисобга қабул қилинади. Ҳисобга олинishi лозим бўлган сумма корхонанинг

танловига кўра алоҳида ва (ёки) мутаносиб усул бўйича аникланади (СК 268-м. 1, 2-қ.). Қўлланиладиган усул корхонанинг ҳисоб сисъатида акс эттирилади.

Қўшилган қиймат солиғи ҳисоб-китобини шакллантириш ва жўнатиш бўйича йўриқнома (1-илова, АВ томонидан 24.02.2020 йилдан 3221-сон билан рўйхатдан ўтказилган) чакана савдо қилувчи дорихоналар учун мавжуд эмас. Ҳисоб-китоб солиқ солинадиган ва солинмайдиган айланмалар, шунингдек ҳисоб сисъати билан тасдиқланган усул билан ҚҚСни ҳисобга олиш кўрсатилган ҳолда топширилади. Солиқ солинадиган айланма бўйича ҚҚС тўланади.

ОФИС БИНОСИДАН БЕПУЛ ФОЙДАЛАНИЛГАНДА АЙЛАНМАДАН ОЛИНАДИГАН СОЛИҚ

? Туристик фирма айланмадан олиннадиган солиқни тўлайди. Бинодан офис сифатида бепул фойдаланишга ссуда шартномаси тузилган. Бино эгаси жисмоний шахс ҳисобланади. Ижара ҳақининг энг кам ставкасидан ҳисобланган даромад юзага келади (бир кв.м учун 25 000 сўм). Президентнинг 20.07.2020 йилдаги ПФ-6029-сон Фармони билан 1.07.2020 йилдан бошлаб мол-мулкни (бино ва автомобиль транспортини) ижарага берадиган жисмоний шахслар учун ижара ҳақининг энг кам ставкаларини қўллаш тартиби тўхтатиб турилади. Мазкур ҳолатда туристик фирма айланмадан олиннадиган солиқни тўлаши лозимми?

– Ушбу масала бўйича экспертларнинг 2 хил қарара-қарши фикрлари мавжуд.

1 Улардан бирига мувофиқ офис биносидан бепул фойдаланишда корхонада бундай фойдаланишнинг бозор қийматидан келиб чиққан ҳолда аникланган даромад юзага келади (СК 299-м. 2-қ.). Амалийтада жисмоний шахсга тегишли бўлган кўчмас мулкдан бепул фойдаланишда бозор қиймати мол-мулкни ижарага берадиган жисмоний шахслар учун ижара ҳақининг энг кам ставкаларидан келиб чиққан ҳолда ҳисобланади.

Президентнинг 20.07.2020 йилдаги ПФ-6029-сон Фармони билан 1.07.2020 йилдан 31.12.2020 йилгача солиқ солиш мақсадларида мол-мулкни (бино ва автомобиль транспортини) ижарага берадиган жисмоний шахслар учун ижара ҳақининг

энг кам ставкаларини қўллаш тартиби тўхтатиб турилади. Бироқ бозор қийматидан келиб чиққан ҳолда мол-мулкдан бепул фойдаланишга солиқ солиш бекор қилинмаган.

Юқорида баён этилганлардан келиб чиққан ҳолда корхона хизматларни бепул олишдан даромадларга айланмадан олиннадиган солиқни солишда ва бозор қиймати бўйича даромадни ҳисоблашда давом этади.

2 Бошқа эксперт фикри шундан иборатки, ПФ-6029-сон Фармонга мувофиқ 1.07.2020 йилдан 31.12.2020 йилгача фойда солиғи ва (ёки) айланмадан олиннадиган солиқни солиш мақсадларида мол-мулкни (бино ва автомобиль транспортини) ижарага берадиган жисмоний шахслар учун ижара ҳақининг энг кам ставкаларини қўллаш тар-

тиби тўхтатиб турилади. Шу боис жисмоний шахслар 2020 йил 1 июлдан 31 декабргача бўлган даврда кўчмас мулкни ижарага беришдан олинган даромадлар бўйича ЖШДС тўлашдан тўлиқ озод этилади (ПФ-6029-сон Фармоннинг 1-банди). Шу боис ЖШДС солиш мақсадларида ижара ҳақининг энг кам ставкаларини қўллаш тартибининг тўхтатиб турилиши ҳеч қандай маънога эга эмас.

Жисмоний шахсга тегишли бўлган кўчмас мулкдан бепул фойдаланилганда, солиқ солинадиган даромад мол-мулкни (бино ва автомобиль транспортини) ижарага берадиган жисмоний шахслар учун ижара ҳақининг энг кам ставкаларидан келиб чиққан ҳолда ҳисобланади, бундай ставкаларнинг қўлланилиши ПФ-6029-сон Фармон билан тўхтатилган. Бинобарин, энг кам ставкаларнинг қўлланилиши тўхтатиб турилганлиги боис кўчмас мулкдан бепул фойдаланишга айланмадан олиннадиган солиқ ва (ёки) фойда солиғи солинамаслиги лозим.

Ушбу масала низоли бўлганлиги сабабли Молия вазирлиги ёки ДСҚга мурожаат қилишни тавсия этамиз.

Азизахон ТОШХЎЖАЕВА,
«Norma» МЧЖ эксперти.

ЭХФ ЕТАРЛИ БЎЛАДИ

? 2020 йил 1 январдан ҳисобварақ-фактуралар электрон шаклда тақдим этилади. Ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотни реализация қилиш далили алоҳида юкхат билан тасдиқланиши лозимми ёки харидор томонидан тасдиқланган ЭХФнинг ўзи етарлими?

– Ҳисобварақ-фактураларнинг шакллари ҳамда уларни тўлдириш, тақдим этиш ва қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомнинг (ВМнинг 14.08.2000 йилдаги 489-сон қарорига 2-илова) 15-бандига мурожаат қиламиз:

«Ҳисобварақ-фактура ушбу Низомга 1-иловадаги шаклда куйидаги тартибда тўлдирилади:

- 1-устунда – товарлар (хизматлар) номи;
- 2-устунда – товар (хизмат) ўлчов бирликлари. Кўрсаткич мавжуд бўлмаганда устун тўлдирилмайди;
- 3-устунда – ўлчов бирлигидан келиб чиқиб реализация қилинган (кўрсатилган) товарлар (хизматлар) миқдори (ҳажми) Кўрсаткич мавжуд бўлмаганда устун тўлдирилмайди;
- 4-устунда – ҚҚСни ҳисобга олмаган ҳолда товар (хизмат) ўлчов бирлигига тўғри келадиган нарх (тариф);
- 5-устунда – реализация қилинган товарлар, кўрсатилган хизматлар жами сонининг (ҳажмининг) акциз солиғини қўшган ҳолдаги (ҚҚСсиз) қиймати;
- 6-устунда – ҚҚС ставкаси;
- 7-устунда – товарларни (хизматларни) со-

тиб олувчига тақдим этиладиган ҚҚС суммаси.

ҚҚС тўловчилари ҳисобланмаган ёки реализация қилиш бўйича айланмаси ҚҚСдан озод этиладиган товарларни (хизматларни) реализация қилувчилар томонидан 7-устунда «Қўшилган қиймат солиғисиз» ёки «ҚҚСсиз» ёзуви қайд этилади;

• 8-устунда – реализация қилинган товарларнинг (хизматларнинг) ҚҚСни қўшган ҳолдаги жами қиймати.


Яқунловчи сатрда 5, 7 ва 8-устунлар бўйича суммалар жамланади.

Маркировкаланадиган товарлар реализация қилинганда ҳисобварақ-фактурада маркировкалаш коди кўрсатилиши шарт.

Акциз солиғи тўловчилари ҳисобварақ-фактурада акциз солиғи ставкаси ва акциз солиғи суммасини кўрсатишлари шарт».

Товарни ишончнома расмийлаштирилган харидор вакили олади. Шунингдек ЭХФ харидор томонидан тасдиқланади.

Товарлар транспорт воситасида ташишганда



электрон шаклда расмийлаштирилган ҳисобварақ-фактура QR-кодга эга бўлган электрон тарзда ёки қоғоз нусхаси чоп этилган ҳолда ташувчига тақдим этилади (Низомнинг 67-банди).

Қўриб турганимиздек, етказиб берувчи томонидан тақдим этилган ва харидор томонидан лозим тарздаги шаклда қабул қилинган ЭХФ юкхатнинг ўрнини босади. Маҳсулот реализация қилинишини тасдиқлаш учун ЭХФнинг ўзи етарли бўлади.

Азизахон ТОШХЎЖАЕВА,
«Norma» МЧЖ эксперти.

РЕКЛАМАГА ОИД ТОВАРЛАР УЧУН СОЛИҚЛАР

? Корхонамиз (МЧЖ) ЎЗР президенти бўлган бош компаниядан (муассисдан) маркетинг маҳсулотини бепул олди. Унга шартнома расмийлаштирилмаган. Юк билан бирга инвойслар ҳам келган, уларда ҳар бир позициянинг қиймати кўрсатилган. Натيجжада декларантлар томонидан божхона тўловлари, шу жумладан ҚҚС тўланган ҳолда БЮД эмас, балки божхона кириш ордери расмийлаштирилган. Кейинчалик маҳсулотдан реклама қилиш мақсадларида ҳамкорларга совға сифатида фойдаланилган.

1. Реклама учун мўлжалланган бепул берилган товарлар ҳисобда қандай расмийлаштирилади?
2. Ҳамкорларга маҳсулотларни тарқатишда ҚҚС ҳисоблаш лозимми?
3. Биз божхонада тўланган ҚҚСни ҳисобга олишга ҳақимизми?
4. Фойда солиғини ҳисоблашда божхона тўловлари чегирилайдиган харажат бўладими?

1 Текин олинган мол-мулк уни олиш мақсадларига мувофиқ келадиган сўтга кириш қилиниши лозим. Бош компаниянинг импорт

қилинган маҳсулоти реклама қилиш мақсадлари учун берилган бўлса, уни қуйидаги провводкалар орқали кириш қилиш лозим:

Ҳўжаслик операциясининг мазмуни	Сўтлар корреспондентияси	
	дебет	кредит
Етказиб берувчининг инвойсида кўрсатилган нарх бўйича реклама материаллари кириш қилинди		8530-«Текинга олинган мулк»
Материалларнинг ҳисоб қийматини оширувчи божхона тўловлари ҳисобланди: бож, божхона таомиллари учун тўловлар, саклаш учун тўлов, божхона брокерларига тўловлар	1090-«Бошқа материаллар»	6990-«Бошқа мажбуриятлар» 6010-«Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган сўтлар»
Божхонада тўланган ҚҚС ҳисобланди	4410-«Бюджетга солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича бунак тўловлари (турлари бўйича)»	6990-«Бошқа мажбуриятлар»

Ушбу мол-мулк корхонанинг ялпи даромадига киритилади, тегишинча, фойда солиғи ҳисоб-китобида ҳисобга олинади (СК 295-м. 2-қ. 1-б., 297-м. 3-қ. 10-б.).

2 Товарларнинг бепул берилиши ҚҚС солинадиган айланма ҳисобланади, бундай бериш **иктисодий жиҳатдан ўзини оқлайдиган** ҳолатлар бундан мустасно. Корхонанинг даромад олишга йўналтирил-

ган фаолиятини амалга ошириш мақсадларида товар бепул берилганда, бу ҳолат иктисодий жиҳатдан ўзини оқлайдиган деб эътироф этилади (СК 239-м. 1-қ. 2-б., 3-қ. 1-б.) – **ҚҚС ҳисобланмайди.**



МИСОЛ. Бош компания янги маҳсулотларнинг реклама намуналарини жўнатди ва уларни истиқболли харидорларга бепул тарқатишни топширди. Мазкур ҳолатда маҳсулотни бепул тарқатиш иктисодий жиҳатдан ўзини оқлайди деб ҳисобланади. Тегишинча, корхонада унинг ҳисоб-сўтсатида белгиланган асословчи ҳужжатлар расмийлаштирилиши лозим. Булар қуйидагилар бўлиши мумкин:

- бош компаниянинг фармойиши;
- реклама акциясини ўтказиш тўғрисидаги буйруқ, чора-тадбирлар режаси ва бошқа ҳужжатлар;
- акция ўтказилиши тўғрисидаги ҳисобот.

Мазкур ҳолатда реклама материалнинг (товарининг) текин тарқатилишига ҚҚС солинмайди.

3 Корхонанинг ҳисоб-сўтсатида мувофиқ товарлар реклама мақсадларида текин берилган бўлса, яъни харажатлар **иктисодий жиҳатдан ўзини оқлаган** тақдирда, божхонада тўланган ҚҚС СКнинг 266-моддаси 1-қисмидаги шартларга риоя этилган ҳолда ҳисобга олиниши мумкин.

4 Фойда солиғини ҳисоблашда **иктисодий жиҳатдан ўзини оқлайдиган харажатлар** чегирилайдиган харажатлар ҳисобланади. Бунда иктисодий жиҳатдан ўзини оқлаш ҳолати ҚҚС ҳисоб-китобидаги шартлар бўйича аниқланади (СК 305-м. 4-қ.).

Шу тариқа, текин олинган реклама маҳсулотининг божхонада расмийлаштируви билан боғлиқ барча харажатлар, ҚҚСдан ташқари, ҳи-

собида реклама материалнинг қийматига киритилади. Реклама акцияси тўғрисидаги ҳисоботга (ёки ҳисоб-сўтсати билан тасдиқланган бошқа ҳужжатларга) асосан уни ҳисобдан чиқаришда **реклама материалнинг қиймати корхонанинг чегирилайдиган харажатларига киритилади.**

Ольга БУСАРОВА,
«Norma» МЧЖ эксперти.

ўзининг қаттиқлик даражасини сезиларли даражада йўқотиб, юмшоқ ҳолга келган банкноталар.

Тегишли хорижий давлатнинг эмитент банки томонидан эълон қилинган санадан кейин муомаладан чиқарилган ҳамда банкнота тугатилганлиги, сохталлиги ёки намунавийлигини тасдиқловчи штамплар мавжуд бўлган банкноталар тўловга яроқсиз деб эътироф этилади.

39. Тегишли хорижий давлатнинг эмитент банки томонидан эълон қилинган санадан кейин муомаладан чиқарилган ҳамда банкнота тугатилганлиги, сохталлиги ёки намунавийлигини тасдиқловчи штамплар мавжуд бўлган банкноталар билан валюта айирбошлаш операциялари амалга оширилмайди.

40. Жисмоний шахслар тижорат банкнинг масофавий хизмат кўрсатиш тизимларидан фойдаланган ҳолда чет эл валютасини сотиши, сотиб олиши ва қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа операцияларни амалга оширишлари мумкин. Бунинг учун жисмоний шахслар масофавий хизмат кўрсатиш тизимини компьютер қурилмасига (шу жумладан, планшет, мобил телефон ва бошқа қурилмаларга) юклаб олади ҳамда ундан фойдаланиш шартлари билан боғлиқ офертани акцептлайди.

41. Валюта айирбошлаш шохобчаларини очиб ва ёпиш, хавфсизлик талаблари, шунингдек айирбошлаш операцияларида қимматликлар билан ишлаш Тижорат банкларида касса ишини ташкил этиш, нақд пул ва бошқа қимматликларни инкассация қилишга доир йўриқномада (рўйхат рақами 3028, 2018 йил 29 июнь) белгиланган тартибда амалга оширилади.

42. Валюта айирбошлаш операцияларини амалга оширувчи тижорат банки ҳодимларига қуйидагилар таъқиқланади:

валюта айирбошлаш операцияларини сиртдан амалга ошириш;

тегишли маълумотнома бермасдан валюта айирбошлаш операцияларини бажариш ёки валюта айирбошлаш операциясини бажармасдан тегишли маълумотномаларни бериш.

43. Валюта айирбошлаш операцияларини расмийлаштиришда фойдаланиладиган бланклар шакли, шунингдек шохобча ҳодимлари сони тижорат банклари томонидан мустақил белгиланади.

Валюта айирбошлаш операцияларини амалга оширувчи тарихий тузилмаларнинг қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ фаолият юритиши тижорат банки томонидан доимий равишда мониторинг қилиб борилади.

6-БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХУДУДИДА НАҚД ЧЕТ ЭЛ ВАЛЮТАСИНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

44. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида банк кассаларига АҚШ доллари, инглиз фунт стерлинги, Евро, Швейцария франки, япон иенаси ҳамда тижорат банкларининг ихтиёрига кўра бошқа чет эл валюталари қабул қилиниши мумкин.

45. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида нақд чет эл валютаси тижорат банклари кассаларига қуйидаги ҳолатларда қабул қилиниши мумкин:

консуллик йиғимларини тўлаш учун;
хорижда ўтказилган кўрғазма ва ярмаркаларда сотилган товарлар учун;

божсиз савдо дўконларидаги ҳисоб-китоблар, шунингдек халқаро ташишларда транспорт воситаларининг қатнов йўлларида йўловчиларга товарларни реализация қилиш ва хизматлар кўрсатиш чоғидаги ҳисоб-китоблар билан боғлиқ операциялар учун;

хорижий хизмат сафари харажатлари учун олинган бўнақларнинг қайтартилишида;

банк хизматларини амалга ошириш билан боғлиқ операциялар учун;

юридик шахсларнинг устав фондига (устав капиталига) маблағларни киритиш учун;

хайрия фаолияти билан боғлиқ операциялар учун;

экспорт қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар) учун;

норезидент жисмоний шахс томонидан таъқиқ савдо шартномаси бўйича дебитор қарздорликларни сўндириш учун;

норезидентларнинг ваколатхоналари номига хориждан олиб келинган ёки почта жўнатмалари орқали юборилган нақд чет эл валютаси;

миллий ташувчилар (резидентлар) томонидан Ўзбекистон Республикасидан ташқарида транспорт экспедицияси (юкларни ташуш) шартномалари бўйича халқаро товар-транспорт юк хати асосида норезидентлардан олинган нақд чет эл валютаси.

46. Мазкур Қоидаларнинг 45-банди олтинчи – ўн иккинчи хатбошиларида назарда тутилган ҳолларда норезидент жисмоний шахс томонидан қуйидаги ҳужжатлардан бири тақдим этилганда нақд чет эл валютаси банк томонидан қабул қилинади, бундан қонун ҳужжатларига мувофиқ йўловчи божхона декларацияси тўлдирилиши талаб этилмайди ҳолатлар мустақилоқ:

норезидент жисмоний шахс томонидан нақд чет эл валютаси хориждан олиб келганлигини тасдиқловчи йўловчи божхона декларацияси, тегишли ишончнома асосида;

норезидент жисмоний шахс номига унинг Ўзбекистон Республикаси банкларига очилган ҳисобварақларига чет элдан келиб тушган маблағларнинг ечилганлигини тасдиқловчи банк маълумотномалари.

Норезидентлардан банк кассасига қабул қилинган валюта маблағларининг суммаси йўловчи божхона декларациясида кўрсатилади ҳамда банк штампли билан тасдиқланади. Мазкур йўловчи божхона декларациясининг нусхаси кунлик ҳужжатлар йиғмажиддига тиқиб қўйилади.

Нақд чет эл валютаси норезидент томонидан берилган ишончнома асосида резидент жисмоний шахслардан қабул қилинганда, пул маблағлари ушбу резидент жисмоний шахс томонидан хориждан олиб келинганлигини тасдиқловчи йўловчи божхона декларацияси тақдим этилиши лозим.

Қонун ҳужжатларига мувофиқ нақд чет эл валютасини хориждан олиб киришда йўловчи божхона декларацияси тўлдирилиши талаб этилмайдиган микдордаги валюта маблағлари банк кассаларига топширилганда асослантирувчи ҳужжат талаб этилмайди.

7-БОБ. ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ТОМОНИДАН НАҚД ВАЛЮТА МАБЛАҒЛАРИНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХУДУДИДАН ОЛИБ ЧИҚИШ ВА ОЛИБ КИРИШ

47. Тижорат банклари томонидан нақд валюта маблағларини Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан олиб чиқиш ва олиб кириш Марказий банкнинг рухсати асосида амалга оширилади.

48. Марказий банкнинг рухсатини олиш учун тижорат банклари Ўзбекистон Республикасига олиб кириш ёки Ўзбекистон Республикасидан олиб чиқишга мўлжалланган валютанинг тури, унинг суммаси, валюта маблағлари қайси давлатга олиб чиқилиши (давлатдан олиб кирилиши), хорижий банкнинг номи, нақд валюта маблағларини олиб чиқиш (олиб кириш) мақсадлари кўрсатилган аризани Марказий банкка тақдим этади.

49. Тижорат банкларининг нақд валюта маблағларини олиб кириш ёки олиб чиқиш учун мурожаати Марказий банк томонидан уч банк иш кунидан ошмаган муддатда кўриб чиқилади. Кўриб чиқиш натижалари бўйича тижорат банкларига нақд валюта маблағларини Ўзбекистон Республикасига олиб кириш ёки Ўзбекистон Республикасидан олиб чиқиш учун рухсат берилади.

Тижорат банкларига нақд валюта маблағларини Ўзбекистон Республикасига олиб кириш ёки Ўзбекистон Республикасидан олиб чиқиш учун рухсат беришни рад қилиш фақат тижорат банкларининг мурожаати мазкур Қоидаларнинг 48-бандида белгиланган талабларга мувофиқ бўлмаганда амалга оширилади.

8-БОБ. ЯКУНИЙ ҚОИДА

50. Мазкур Қоидалар талабларининг бузилишида айбдор шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

ЎЗБЕКИСТОН
ҚОНУНЧИЛИГИДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

● ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

– «Ер ҳисоби ва давлат кадастрларини юритиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида».

● ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

– «Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида».

● ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

– «Юридик шахслар, фаолиятини ваколатхона, филиал ёки доимий муассаса орқали амалга ошираётган чет эл юридик шахслари ва тадбиркорлик фаолияти билан шугулланувчи жисмоний шахслар тўғрисидаги маълумотларни йиғиш, қайта ишлаш ва сақлаш механизмларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида».

● ИДОРАВИЙ МЕЪЁРИЙ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖАТ

– ЎЗР МБ бошқаруvinинг «Ўзбекистон Республикасида валюта операцияларини амалга ошириш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ФАРМОНИЕР ҲИСОБИ ВА ДАВЛАТ КАДАСТРЛАРИНИ ЮРИТИШ ТИЗИМИНИ ТУБДАН
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА*

Ер умуммиллий бойлик, Ўзбекистон халқининг ҳаёти, фаолияти ва фаровонлиги асоси, энг муҳим табиий ресурс ҳисобланади. Шу сабабли, ерлардан оқилона, самарали ва белгиланган мақсадда фойдаланишни таъминлаш, ерларни муҳофаза қилиш, ер билан узвий боғланган Давлат кадастрлари ягона тизимини тўлақонли юритиш давлатнинг энг муҳим вазифаларидандир.

Иқтисодий соҳадаги кенг қўлмалли ўзгаришлар ер ва унга боғлиқ ресурсларнинг аниқ ҳисобини юритиш, улардан оқилона фойдаланиш тизимини янада такомиллаштиришни талаб этмоқда.

Хусусан, ерларни ажратиш, уларнинг ҳисобини юритиш, қишлоқ ҳўжалиги экинларини жойлаштириш, ер назоратини амалга ошириш вазифаларининг ягона органда тўпланганлиги, ер участкалари, бино ва иншоотларга (кейинги ўринларда – кўчмас мулк) кадастр йиғмажилди рўйхатдан ўтказувчи органнинг ўзи томонидан тайёрланиши соҳада манфаатлар тўнашувини юзгага келтирмоқда.

Ер ҳисоби ва давлат кадастрларини юритиш тизимини тубдан такомиллаштириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасининг қишлоқ ҳўжалиги ерлари ва экинларини мониторинг қилиш, қишлоқ ҳўжалиги экинларини жойлаштириш, қишлоқ ҳўжалиги ерларини муҳофаза қилиш бўйича давлат назоратини амалга ошириш, тупроқ бонитировкасини ўтказиш, қишлоқ ҳўжалиги ерларининг меъёрий қийматини аниқлаш, тупроқ унумдорлигини ошириш, тупроқшунослик, геоботаникага оид тадқиқотларни амалга оширишга доир вазифалари, функциялари ҳамда ваколатлари қишлоқ ҳўжалиги вазирлигига ўтказилсин.

Қишлоқ ҳўжалигига мўлжалланмаган ерларнинг таркибидagi ўзгаришларни ўз вақтида аниқлаш, салбий жараёнларнинг олдини олиш ва оқибатларини тугатиш мақсадида уларнинг мониторингини ўтказиш Ўзбекистон Республикасида атроф табиий муҳитнинг давлат мониторингини доирасида амалга оширилиши белгилансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси негизида Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги (кейинги ўринларда – Кадастр агентлиги) ташкил этилсин.

3. Қуйидагилар Кадастр агентлигининг асосий вазифалари ҳамда фаолият йўналишлари этиб белгилансин:

а) кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш соҳасида:

кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш соҳасида ягона давлат сиёсатининг амалга оширилишини таъминлаш;

кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш; давлат ер кадастри, бинолар ва иншоотлар давлат кадастрини юритиш;

кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларнинг давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминлашга ва ер участкаларининг ўзбошимчилик билан эгаллаб олинishiга йўл қўймасликка қаратилган самарали ер назоратини амалга ошириш;

б) геодезия ва картография соҳасида ягона давлат сиёсатининг амалга оширилишини таъминлаш;

аэрокосмик суратга олиш, топография-геодезия, картографияга оид изланишлар ҳамда тадқиқотларни, ерларни масофадан зондлаш, геодинamik тадқиқотлар маълумотлари ва материалларидан фойдаланган ҳолда картографик мониторингни амалга ошириш;

давлат картография-геодезия кадастрини юритиш; давлат геодезия назоратини амалга ошириш;

в) давлат кадастрларини юритиш соҳасида: давлат кадастрларини юритиш соҳасида ягона давлат сиёсатининг амалга оширилишини таъминлаш;

давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг давлат кадастрларини юритиш соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш;

Давлат кадастрлари ягона тизимини юритиш, ҳудудлар давлат кадастрининг самарали юритилишини таъминлаш;

давлат кадастрларини юритиш тартибларига риоя қилинишини таъминлашга қаратилган самарали кадастр назоратини амалга ошириш;

г) кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш, геодезия, картография ва давлат кадастрларини юритиш соҳасида халқроқ ҳамкорлигини кенгайтириш;

д) кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш, геодезия, картография ва давлат кадастрларини юритиш

*Ушбу Фармон Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) эълон қилинган ва 7.09.2020 йилдан кучга кирди.

соҳасида кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни таъминлаш.

4. Қуйидагилар:

қўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларнинг, шу жумладан ер участкасига бўлган мулк ҳуқуқи, эгалик қилиш, фойдаланиш ва ижарага олиш ҳуқуқининг вужудга келиши, ўзгариши, бошқа шахсга ўтиши, чекланиши ва бекор бўлиши фақат давлат рўйхатидан ўтказилгандан кейин кучга кириши;

қўчмас мулкка бўлган ҳуқуқни рўйхатдан ўтказиш учун ўз вақтида мурожаат этмасликда айбдор шахсларга маъмурий жавобгарлик белгиланганлиги;

қўчмас мулкнинг тури, тавсифи, ҳажми, қиймати ва бошқа қўрсаткичларини аниқлаш мақсадида унинг кадастр йиғмажилди тайёрланиши маълумот учун қабул қилинсин.

5. Шундай тартиб жорий этилсинки, унга мувофиқ:

захирада турган ва янги ажратилаётган ер участкаларига кадастр йиғмажилди қишлоқ ҳўжалигига мўлжалланган ерларда – туман (Қувасой шаҳар) қишлоқ ҳўжалиги бўлимининг, қишлоқ ҳўжалигига мўлжалланмаган ерларда – туман (шаҳар) қирилиш бўлимининг мурожаатига мувофиқ туман (шаҳар) ҳокимлигининг бюрутмасига асосан тайёрланади, ушбу харахатлар ер участкасига бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказиш вақтида мазкур ер участкасига эга бўлган шахс томонидан қопланади;

ер участкаларига бўлган ҳуқуқлар мазкур Фармон кучга киргунга қадар вужудга келган, бироқ давлат рўйхатидан ўтказилмаган бўлса, уларга кадастр йиғмажилдини тайёрлаш ҳамда қўчмас мулкка бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказиш ҳуқуқ эгаларининг бюрутмаларига асосан уларнинг маблаглари ҳисобидан амалга оширилади;

давлат органлари ва ташкилотлари, ҳўжалик бошқаруви органлари, шу жумладан ўрмон ҳўжаликлари, сув ҳўжалиги ташкилотлари, муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар, ижтимоий муассасаларга берилган ер участкаларига кадастр йиғмажилдини тайёрлаш ҳамда қўчмас мулкка бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказиш балансида сакловчиларнинг бюрутмаларига асосан ва уларнинг маблаглари ҳисобидан амалга оширилади;

кадастр йиғмажилди Кадастр агентлиги томонидан шаходатланган кадастр муҳандислари ҳамда Кадастр агентлиги тизимидаги ташкилотлар томонидан шартнома асосида тайёрланади;

2020 йил 1 октябрдан бошлаб ер участкаларига бўлган ҳуқуқларнинг вужудга келиши, ўзгариши, бошқа шахсга ўтиши, чекланиши ва бекор бўлишини назарда тутувчи қарорлар, аукцион ва танлов баённомалари, нотариал тасдиқланган битимлар ҳамда бошқа ҳужжатлар Ўзбекистон Республикаси Миллий географик ахборот тизимида (кейинги ўринларда – Миллий геоахборот тизими) давлат рўйхатидан ўтказилганидан кейин кучга қиради;

давлат ер кадастри, бинолар ва иншоотлар давлат кадастрини юритиш қўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш орқали тўпланган маълумотлар асосида амалга оширилади.

6. Белгилансинки, 2021 йил 1 январдан бошлаб:

ер тури, контури, чегараси ва ҳуқуқ эгалари ҳақидаги барча маълумотлар Кадастр агентлигининг онлайн геопорталига (кейинги ўринларда – онлайн геопортал) киритилади; онлайн геопортал Миллий геоахборот тизимига интеграция қилинади;

ер баланси ва унинг ҳисоботи, туман (шаҳар) ер кадастри дафтри фақат Миллий геоахборот тизимида юритилади;

Давлат кадастрлари ягона тизими Миллий геоахборот тизимида шакллантирилади;

тегишли давлат кадастрлари маълумотлари Миллий геоахборот тизимига фақат телекоммуникация тармоқлари орқали тўридан-тўғри тақдим этиб борилади.

7. Кадастр агентлиги:

а) икки ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига:

ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказмаслик, ер участкаларини ўзбошимчилик билан эгаллаб олиш ҳамда давлат кадастрларини юритиш тартибини бузиш билан боғлиқ маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар фақат Кадастр агентлиги органлари томонидан кўриб чиқилишини назарда тутувчи қонун лойиҳасини;

қўчмас мулк объектларининг давлат кадастри соҳасида давлат хизматлари нархларини қайта кўриб чиқиш, шу жумладан қишлоқ ҳўжалигига мўлжалланган ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш учун ўндирилаётган йиғимни қайтайтириш бўйича ҳукумат қарори лойиҳасини киритсин;

б) 2020 йил 1 ноябрга қадар онлайн геопортални синов тариқасида ишга туширсин;

в) 2020 йил 1 декабрга қадар барча қишлоқ ҳўжалиги хариталарининг онлайн геопорталга киритилишини ҳамда унинг Миллий геоахборот тизимига интеграция қилинишини таъминласин;

г) 2021 йил 1 январдан бошлаб онлайн геопортални тўлиқ ишга туширсин.

8. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Давлат солиқ қўмитаси, Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги ва Қурилиш вазирлиги билан бирга ер участкаларини ажратиш ҳақидаги қарорлар, аукцион ва танлов баённомалари ҳамда ер участкаларига бўлган ҳуқуқларнинг вужудга келиши, ўзгариши ва бекор бўлишига асос бўлган бошқа ҳужжатларнинг 2021 йил якунига қадар Миллий геоахборот тизимида тўлиқ давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминласин.

9. Белгилансинки, қишлоқ ҳўжалиги ерларининг норматив қийматини аниқлаш ва қайта баҳолаш, тупроқ бонитировкаси ва тупроқ хариталарининг коректировкасини ўтказиш, суғориладиган ерларда тупроқ агрохимёвий тадқиқот ишларини бажариш ва агрохимёвий картограммалар тузиш, тупроқ (ер) мониторингини ўтказиш учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетидан назарда тутилган маблаглар 2021 йил 1 январдан бошлаб Қишлоқ ҳўжалиги вазирлигига ажратилади.

Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги икки ой муддатда тупроқ бонитировкаси ишларини ўтказиш, қишлоқ ҳўжалиги ерларининг норматив қийматини аниқлаш ва геоботаникага оид тадқиқотларни амалга оширишга тадбиркорлик субъектларини жалб қилиш бўйича Вазирлар Маҳкамасига тақлиф киритсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 апрелдаги «Қишлоқ ҳўжалиги соҳасида давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5708-сон Фармони 1-бандига 1-иловага** мувофиқ қўшимча ва ўзгариш киритилсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатлари 2-иловага** мувофиқ ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

12. Давлат солиқ қўмитаси манфаатдор вазирлик ва идора билан биргаликда Вазирлар Маҳкамасига:

икки ҳафта муддатда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори лойиҳасини;

икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгаришлар ва қўшимчалар тўғрисида тақлифларни киритсин.

13. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазир А.Н.Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президентини
Ш.МИРЗИЁЕВ.**

Тошкент ш.,
2020 йил 7 сентябрь
ПҚ-6061-сон.

**Фармонга 1–2-иловлар «СБХ»да чоп этилмайди. Ҳужжатнинг тўлиқ матни билан «Нотта» АҚТ ва nrm.uz сайтида танишиш мумкин.

Махсус валюта ҳисобварақига ушбу ҳисобварақдан илгари чиқарилган ва фойдаланилмаган, шунингдек бошқа сабабларга кўра қайтарилган чет эл валютаси ҳам кириш қилинади.

27. Қанотлантириш тўғрисида ҳулоса тасдиқланган буюртмалар бўйича тижорат банки ва мижозлар ўртасидаги барча ҳисоб-китоблар икки банк иш кунидан кечиктирилмаган ҳолда амалга оширилади.

Икки банк иш кунида ҳисоб-китоблар яқунланмаган бўлса, келишув бекор қилинган ҳисобланади. Бунда хизмат кўрсатувчи банклар томонидан мижознинг буюртмасига асосан валюта биржасидан сотиб олинган маблағлар валюта биржасига қайта сотилиши лозим.

28. Махсус валюта ҳисобварақларига киритилган маблағлар қатъий равишда буюртмаларда кўрсатилган мақсадлар учун сарфланади.

29. Банк мижози томонидан сотиб олинган, мижознинг махсус валюта ҳисобварақига киритилган вақтдан эътиборан етти банк иш кунини мобайнида фойдаланилмаган валюта маблағлари, ушбу муддат тугагандан кейинги банк иш кунидан кечиктирилмаган ҳолда тижорат банкларига қайта сотилиши шарт.

Махсус валюта ҳисобварақидан илгари чиқарилган ва фойдаланилмаган, шунингдек бошқа сабабларга кўра қайтарилган чет эл валютаси ҳам уч банк иш кунини мобайнида тижорат банкларига қайта сотилиши ёки буюртмада кўрсатилган мақсадлар учун такроран ўтказиб берилиши лозим.

Бунда, чет эл валютасининг қайта сотилиши сотув кунидаги валюта биржаси курси бўйича акцептсиз равишда амалга оширилади.

30. Ички валюта бозоридида чет эл валютасини сотиб олиш ва сотиш операциялари чет эл валютасига бўлган талаб ва таклиф асосда шаклландиган валюта курси бўйича амалга оширилади.

31. Биржа савдоларининг ташкил қилиниши ва ўтказилиши валюта биржасининг ички қоидаларига асосан амалга оширилади.

5-БОБ. ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАР БИЛАН ВАЛЮТА АЙИРБОШЛАШ ОПЕРАЦИЯЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШ ТАРТИБИ

32. Тижорат банклари томонидан жисмоний шахслар билан валюта айирбошлаш операциялари чекловларсиз амалга оширилади.

Норезидент жисмоний шахсларга чет эл валютасини сотиш улар томонидан республика ҳудудида миллий валюта маблағларининг қонуний манбалардан олинганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар тақдим этилганда амалга оширилади. Бунда операция суммаси тақдим этилган ҳужжатларда кўрсатилган сумма микдоридан ошмаслиги лозим.

33. Тижорат банклари жисмоний шахслар билан валюта айирбошлаш операцияларини амалга оширишда Марказий банкнинг Банкларо ягона электрон тизимидан фойдаланадилар.

Банкларо ягона электрон тизимидан фойдаланиш учун тижорат банклари валюта айирбошлаш операцияларини амалга оширувчи чакана амалиётлар кассалари, банк хизматлари офислари, банкларнинг тегишли таркибий бўлимлари ҳамда валюта айирбошлаш шохбчаларининг жойлашган жойи (почта манзили) кўрсатилган ҳолда Марказий банкнинг тегишли ҳудудий Бош бошқармасига маълумот тақдим этади.

Марказий банкнинг тегишли ҳудудий Бош бошқармаси тижорат банклари томонидан тақдим этилган маълумотлар асосида валюта айирбошлаш операцияларини амалга оширувчи чакана амалиётлар кассалари, банк хизматлари офислари, банкларнинг тегишли таркибий бўлимлари ҳамда валюта айирбошлаш шохбчаларини рўйхатга олади ва Банкларо ягона электрон тизимига киритиш учун тегишли маълумотни Марказий банкка тақдим этади.

Жисмоний шахслар томонидан валюта айирбошлаш операциялари автоматлаштирилган банк шохбчалари (банкоматлар) ҳамда масофавий хизмат кўрсатиш тизимлари орқали

амалга оширилганда Банкларо ягона электрон тизимдан фойдаланиш талаб этилмайди.

34. Чет эл валютасини сотиб олиш ва сотиш курслари тижорат банклари томонидан чет эл валютасига бўлган талаб ва таклифни ҳисобга олган ҳолда мустақил равишда белгиланади ва ушбу курсларга тижорат банклари томонидан операцион кун давомида ўзгартириш киритилиши мумкин.

35. Тижорат банкларида жисмоний шахслар билан барча турдаги валюта айирбошлаш операциялари амалга оширилади.

Тижорат банклари томонидан шикастланиш белгилари мавжуд муомалага яроқли банкноталар билан валюта айирбошлаш операцияларини амалга ошириш, шунингдек муомалага яроқсиз банкноталарни инкассога қабул қилишни рад этишга йўл қўйилмайди.

36. Эмитент-давлат томонидан банкнотага нисбатан ўрнатилган талабларга жавоб берадиган асосий белгилари (эмитент банк номи, серия ва тартиб рақами, валюта номиналининг рақамлар ва сўз билан кўрсатилиши, олд ва орқа томонининг асосий тасвири (сурати, портрети), қалбақлаштирилишидан ҳимоя қилувчи элементлари (сўз белгиси, магнитли белгилар, қозғога киритилган рангли толарлар, жумладан ультрабинафша нурларда кўринадиган толарлар, конфетти (рангли қозғо тангачалар), ҳимоя иплари, микроматн, нур сочувчи расмлар ва бошқалар) эга бўлган банкнота қонуний тўлов воситаси ҳисобланади.

37. Қуйидаги шикастланиш белгилари мавжуд бўлган банкноталар муомалага яроқли қонуний тўлов воситаси ҳисобланади:

банкнота тасвири (шақлини) аниқлаш имконини берадиган даражада сийқаланган ва ифлосланган бўлса (сийқаланиш банкнотанинг ҳақиқийлигини аниқлашга ҳалақит бермайдиган ва асосий белгиларидан бирининг 50 фоизидан ортигини тўсиб қўймаган ҳолатлар бундан мустасно);

банкнота энининг (бўйининг) тўртдан бир қисмидан ошмаган ёпиштирилган йиртиқларга эга бўлса;

ёпиштириб қўйилган бурчаклари ёки қисмлари (1 см^2 дан ошмаган) бўлса ҳамда йиртиб олинган бурчаклари ёки қисмлар аниқ ушбу банкнотага тегишли бўлса;

майда доғлар, ёзувлар, штамп изи бўлганда (бунда ёзув ёки штамп изи икки донадан ортиқ бўлса, банкнота тугатилганлиги, сохталлиги ёки намунавийлигини тасдиқловчи штамплар бундан мустасно) ҳамда улар банкнотанинг ҳақиқийлигини аниқлашга ҳалақит бермайдиган асосий белгиларидан бирининг 50 фоизидан ортигини тўсиб қўймаган бўлса;

банкнотада диаметри 1 мм дан ошмаган ва иккитадан ортиқ тешиклар бўлса, бунда тешиклар банкнотанинг ҳақиқийлигини аниқлашга ҳалақит бермайдиган ва асосий белгиларидан бирининг 50 фоизидан ортигини тўсиб қўймаган бўлиши керак.

38. Мазкур Қоидаларнинг 37-бандида кўрсатилган меъёрлардан ортиқ бўлган ва қуйидаги шикастланиш белгилари мавжуд бўлган банкноталар муомалага яроқсиз ҳисобланади:

бўлақларга ажратилган, шу жумладан ёпиштирилган бўлса; дастлабки ранги ўзгарган ёки ранги ўчган бўлса;

ёнган ёки қуйган ҳолатда бўлса;

қонуний тўлов воситаси эканлигини кўрсатувчи асосий белгиларидан бирининг 50 фоизидан ортиқ қисмига мой, бўёқ ёки сийх тўқилган бўлса;

банкнотада кимёвий реактивлар таъсири бўлса;

муайян даражада қасддан шикастланган ҳолда тасвир (сурат, портрет) ўзгартirilганда, номинали ўзгартirilган, ҳимоя ипчалари олиб ташланган, катта ҳажмдаги ёзувлар бўлса;

банкнотлар аниқ босма хатога эга бўлган (сўз белгиси ёки ҳимоя ипчаларининг йўқлиги ёки нотўғри жойлашганлиги), тасвирлари тўлиқ босилмаган ёки суркалиб кетган бўлса;

банкнота геометрик ўлчамининг 3 мм га тенг ёки ундан ортиқча ўзгарган бўлса;

банкнота тасвири (суратини, портретини, шақлини) аниқлаш имконини бермайдиган даражада сезиларли сийқаланган ва ифлосланган бўлса;

чет эл валютасидаги операциялар бўйича банкнинг воситачилик ҳақини, ходимларнинг Ўзбекистон Республикасидан ташқарига хизмат сафарига жўнатилиши билан боғлиқ харажатлари (шу жумладан, нақд шаклда) тўлаш учун;

ички валюта бозорида сотиш учун;
жорий халқаро операциялар учун фойдаланилиши мумкин.

19. Товар-ҳом ашё биржаларида товарларни ва (ёки) қимматли қўғозлар савдоси ташкилотчиларининг очик электрон савдоларида акцияларни сотиб олишни (сотишни) амалга оширувчи норезидент юридик шахсларнинг чет эл валютасидаги ҳисобварақларига:

ушбу савдоларда иштирок этаётган норезидент юридик шахснинг хориждаги ҳисобварағидан ўтказилган маблағлар;

ички валюта бозорида сотиб олинган маблағлар;
товар-ҳом ашё биржаларида товарларни ва (ёки) қимматли қўғозлар савдоси ташкилотчиларининг очик электрон савдоларида акцияларни сотишдан тушган маблағлар киритилиши мумкин.

Товар-ҳом ашё биржаларида товарларни ва (ёки) қимматли қўғозлар савдоси ташкилотчиларининг очик электрон савдоларида акцияларни сотиб олишни (сотишни) амалга оширувчи норезидент юридик шахсларнинг чет эл валютасидаги ҳисобварақларидаги маблағлар ҳисобварақ эгасининг топшириғига қўра:

ички валюта бозорида сотилиши;
товар-ҳом ашё биржаларида товарларни ва (ёки) қимматли қўғозлар савдоси ташкилотчиларининг очик электрон савдоларида акцияларни сотиб олиш учун фойдаланилиши;

товар-ҳом ашё биржаларида товарларни ва (ёки) қимматли қўғозлар савдоси ташкилотчиларининг очик электрон савдоларида иштирок этаётган норезидент юридик шахснинг хориждаги ҳисобварақларига ўтказилиши мумкин.

20. Норезидент жисмоний шахсларнинг чет эл валютасидаги ҳисобварақларига:

йўловчи божхона декларацияси асосида (декларация тўлдириш талаб этилмайдиган ҳолатлар бундан мустасно) хориждан олиб келинган нақд чет эл валютаси;

носавадо тусдаги ўтказмалар;
ички валюта бозорида сотиб олинган маблағлар;
қўнунийлигини асослантйрувчи ҳужжатлар асосида олинган маблағлар киритилиши мумкин.

Норезидент жисмоний шахсларнинг чет эл валютасидаги ҳисобварақларидаги маблағлардан ҳисобварақ эгасининг топшириғига қўра:

носавадо тусдаги ўтказмалар учун;
ички валюта бозорида сотиш учун;
нақд чет эл валютасида ечиб олиш учун;
хорижий банкларда очилган ўз ҳисобварақларига ўтказиш учун фойдаланилиши мумкин.

4-БОБ. ИЧКИ ВАЛЮТА БОЗОРИДА ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТЛАР ТОМОНИДАН ЧЕТ ЭЛ ВАЛЮТАСИНИ СОТИШ ВА СОТИБ ОЛИШ ОПЕРАЦИЯЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШ

21. Ички валюта бозорида қуйидаги операциялар амалга оширилади:

валюта биржасида ҳамда Ўзбекистон Республикаси банклари ўртасида чет эл валютасини сотиш ва сотиб олиш;

тижорат банклари томонидан ўз миждоларининг валюта маблағларини шартнома (оферта битими) асосида сотиш ва сотиб олиш;

тижорат банклари томонидан жисмоний шахслар билан валюта айирбошлаш операцияларини амалга ошириш;

тижорат банклари томонидан банклараро савдо сессиясида валюта маблағларини сотиб олиш ва сотиш;

товар-ҳом ашё биржаларида товарларни ва (ёки) қимматли қўғозлар савдоси ташкилотчиларининг очик электрон савдоларида акцияларни сотишдан олинган маблағлар ҳисобиға норезидентлар томонидан, шу жумладан норезидентлар но-

мидан биржа брокерлари ва инвестиция воситачилари орқали валюта маблағларини сотиб олиш ва сотиш.

Ички валюта бозорида чет эл валютасининг сотиб олиниши ва сотилиши резидентлар ва норезидентлар томонидан жорий халқаро операциялар бўйича, шунингдек норезидентларнинг тўғридан-тўғри инвестициялари ва даромадларини репатризация қилиш мақсадлари учун чекловларсиз амалга оширилади.

22. Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими бюджетларининг чет эл валютасидаги Ягона газна ҳисобварағидан фойдаланган ҳолда хизмат кўрсатиладиган буюртмачилар томонидан чет эл валютасининг сотиб олиниши ва сотилиши Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 23 майдаги 329-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими бюджетлари чет эл валютасидаги маблағларининг газна ихроси тартиби тўғрисидаги низом талаблари асосида амалга оширилади.

23. Хўжалик юритувчи субъектлар чет эл валютасини сотиб олиш ёки сотиш учун хизмат кўрсатувчи банкка буюртма тақдим этилади. Бунда буюртма шакли банк бошқаруви томонидан тасдиқланади ва унда қуйидаги маълумотлар кўрсатилиши шарт:

миждо номи;
валюта тури ва суммаси;
сотиб олиш ёки сотиш курси.

Чет эл валютасини сотиб олиш учун тақдим этиладиган буюртмаларда қўшимча равишда қуйидаги маълумотлар ҳам кўрсатилади:

чет эл валютасини сотиб олиш мақсади;
валюта операцияларини асословчи ҳужжатлар.

Хўжалик юритувчи субъектлар томонидан чет эл валютасини сотиб олиш ёки сотиш учун буюртмалар хизмат кўрсатувчи банкларга масофавий хизмат кўрсатиш тизимлари орқали электрон кўринишда ҳам тақдим қилиниши мумкин.

Буюртмада қайд этилган маълумотларнинг ҳаққонийлиги юзасидан жавобгарлик мазкур буюртмани тақдим этган хўжалик юритувчи субъект зиммасига юклатилади.

Чет эл валютасидаги кредит ва лизингларга хизмат кўрсатиш, хорижий инвесторлар фойдаси, дивиденд ва бошқа даромадлари репатризация қилиш мақсадида чет эл валютасини сотиб олишда, хизмат кўрсатувчи банклар ушбу операцияларнинг ҳаққонийлигини тасдиқловчи қўшимча ҳужжатларни талаб қилишга ҳақлидир.

24. Хўжалик юритувчи субъектлар томонидан чет эл валютасини сотиб олиш учун тақдим этилган буюртмани кўриб чиқиш хизмат кўрсатувчи банкларнинг тегишли таркибий бўлинмаси (бундан буён матнда таркибий бўлинма деб юритилади) томонидан амалга оширилади.

Чет эл валютасини сотиб олиш учун тақдим этилган буюртмалар таркибий бўлинма томонидан қабул қилинган кундан кейинги банк иш кунидан кечиктирмасдан кўриб чиқилади ҳамда натижаси бўйича буюртмани қаноатлантириш ёки уни асослантйрилган ҳолда рад этиш тўғрисида хулоса тайёрланади ва тасдиқланади.

Таркибий бўлинма фаолиятини назорат қилиш ҳамда буюртмани кўриб чиқиш натижаси бўйича тайёрланган хулосани тасдиқлаш банк бошқаруви раисининг тегишли ўринбосари томонидан амалга оширилади.

Буюртма бўйича хулосаларнинг қўнунийлиги учун уни тасдиқлаган банк бошқаруви раисининг тегишли ўринбосари жавобгар ҳисобланади.

25. Чет эл валютасини сотиб олиш ёки сотиш учун томонлар келишувига қўра бир марталик бош шартнома ёки ҳар бир операция бўйича алоҳида шартномалар расмийлаштирилиши мумкин. Бунда шартномалар хизмат кўрсатувчи банкларнинг тегишли дастурий тазминот воситаси орқали электрон шаклда ҳам тузилиши мумкин.

26. Хизмат кўрсатувчи банклар томонидан ички валюта бозорида сотиб олинган чет эл валютасини кириш қилиш учун миждо номига махсус ҳисобварақлар очилади.

**ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИ ҲУЗУРИДАГИ
КАДАСТР АГЕНТЛИГИ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ
ТЎҒРИСИДА***

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 7 сентябрдаги «Ер ҳисоби ва давлат кадастрларини юритиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-6061-сонли Фармони ижросини таъминлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги (кейинги ўринларда – Кадастр агентлиги) тизимида:

а) қуйдагилар ташкил этилсин:

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармалари, туманлар (шаҳарлар) ер ресурслари ва давлат кадастри бўлимлари негизда – Кадастр агентлигининг **Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар бошқармалари, туманлар (шаҳарлар) бўлимлари**;

Давлат кадастрлари, геодезия ва картография миллий маркази негизда – давлат муассасаси шаклида **Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлигининг Давлат кадастрлари палатаси** (кейинги ўринларда – Давлат кадастрлари палатаси);

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхоналари ҳамда уларнинг туман (шаҳар) филиаллари негизда – **Давлат кадастрлари палатасининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бошқармалари, туман (шаҳар) филиаллари**;

Марказий аэрогеодезия корхонаси, Самарқанд аэрогеодезия корхонаси, «Геоинформикадр» давлат унитар корхонаси, «Картография» давлат илмий ишлаб чиқариш корхонаси негизда – давлат муассасаси шаклида **Республика аэрогеодезия маркази**;

Давлат геодезия назорати инспекцияси негизда – Кадастр агентлигининг марказий аппарати таркибига юридик шахс ташкил этмаган ҳолда **Геодезия назорати бошқармаси**;

б) Давлат геодезия назорати инспекцияси ҳузуридаги **Давлат картография-геодезия фонди** Кадастр агентлиги бўйсунувига ўтказилсин;

в) «Тупроқ таркиби ва репозиторийси, сифати таҳлил маркази» давлат унитар корхонаси Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги таркибига, **Тупроқшунослик ва агрокимё илмий-тадқиқот институти** Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ ҳўжалиги ва озиқ-овқат таъминоти илмий-ишлаб чиқариш маркази таркибига ўтказилсин.

2. Кадастр агентлиги икки ой муддатда:

мазкур қарорда назарда тутилган ташкилотларни тутатиш, ўзгартириш ва ташкил этиш бўйича ташкилий чора-тадбирларни яқунлисин;

тутатилаётган ташкилотларга тегишли бўлган, улар фойдаланаётган бино ва иншоотлар, бошқа моддий қимматликлар уларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари бўйича ворисларига ўтказилишини таъминласин;

«Ўздаверлойдха» давлат илмий-лойиҳалаш институтининг вазифалари, функциялари, ташкилий тузилмаси ва штатлар жадвалини Кадастр агентлиги ва Қишлоқ ҳўжалиги вазирлигининг асосий вазифалари ва фаолият йўналишларидан келиб чиқиб қайта қўриб чиқсин.

3. Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги икки ой муддатда:

«Тупроқ таркиби ва репозиторийси, сифати таҳлил маркази» давлат унитар корхонаси ҳамда Тупроқшунослик ва агрокимё

илмий-тадқиқот институтининг ташкилий тузилмаси ва штатлар жадвалини Қишлоқ ҳўжалиги вазирлигига юклатилаётган қўшимча вазифалардан келиб чиқиб қайта қўриб чиқсин;

«Ўздаверлойдха» давлат илмий-лойиҳалаш институтининг вазифалари, функциялари ва ташкилий тузилмаси қайта қўриб чиқилиши муносабати билан **Кадастр агентлиги билан биргаликда тасдиқланадиган тақсимлаш балансига асосан** тегишли моддий-техника ресурсларининг «Тупроқ таркиби ва репозиторийси, сифати таҳлил маркази» давлат унитар корхонаси ҳамда Тупроқшунослик ва агрокимё илмий-тадқиқот институтига топширилиши ва улар томонидан қабул қилиб олинишини таъминласин.

4. Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасининг Ер муносабатлари ва давлат кадастрларини ривожлантириш жамғармаси **Кадастр агентлигининг бюджетдан ташқари жамғармасига** айлантирилсин.

Қуйдагилар Кадастр агентлигининг бюджетдан ташқари жамғармаси маблағларини шакллантиришнинг асосий манбалари этиб белгилансин:

Кадастр агентлиги органлари томонидан қўрилган маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларга асосан ундириладиган жарималарнинг 100 фоизи;

фуқароларнинг уй-жойга доир мулк ҳуқуқи кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказишни амалга оширувчи органларда ўз вақтида расмийлаштирилмаганлиги учун ундириладиган жарималарнинг 10 фоизи;

кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш учун ундириладиган йиғимнинг 10 фоизи;

Давлат кадастрлари палатасининг туман (шаҳар) филиаллари томонидан кадастр йиғмажилдини тайёрлаш хизматларини кўрсатишдан тушган маблағларнинг 10 фоизи; қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

5. Белгилансинки:

Кадастр агентлигида Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод қилинадиган **Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари** – Кадастр агентлиги директори бошчилик қилади;

Кадастр агентлиги директорининг ўринбосарлари Вазирлар Маҳкамаси қарори билан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади;

Давлат кадастрлари палатаси кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларнинг давлат реестрини, давлат ер кадастри, бинолар ва иншоотлар давлат кадастрини ҳамда Давлат кадастрлари ягона тизимини юритади;

Давлат кадастрлари палатасининг ҳудудий бошқармалари кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш, ҳудудлар давлат кадастрининг юритилишини ташкил этади;

Давлат кадастрлари палатасининг **туман (шаҳар) филиаллари** кўчмас мулк объектларининг жойлашган жойидан қатъи назар давлат органлари ва ташкилотлари, жисмоний ва юридик шахсларнинг буюртмаларига асосан кадастр йиғмажилдини тайёрлаш хизматларини кўрсатади;

кадастр муҳандислари ва Давлат кадастрлари палатасининг туман (шаҳар) филиалларига кадастр йиғмажилдини тайёрлаш хизматларини кўрсатишда **тенг шароитлар яратилади**;

Давлат кадастрлари палатасининг **туман (шаҳар) филиал-**

*Ушбу қарор Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) эълон қилинган ва 7.09.2020 йилдан кучга кирди.

лари Кадастр агентлиги директорининг буйруғига асосан бошқичма-бошқич тугатиб борилади ва заруратга кўра **фақат олис ва бориш қийин бўлган ҳудудларда сақлаб қолинади**;

Давлат кадастрлари палатаси, унинг ҳудудий бошқармалари, туман (шаҳар) филиаллари фаолияти кўнмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш, кадастр йиғмажилидини тайёрлаш ва Кадастр агентлиги томонидан тасдиқланадиган рўйхатга асосан пуллик хизмат кўрсатишдан тушадиган маблағлар ҳамда қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштирилади;

Кадастр агентлигининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлари, Тошкент шаҳар бошқармалари, туманлар (шаҳарлар) бўлимлари бошлиқлари, Давлат кадастрлари палатаси раиси, унинг ҳудудий бошқармалари, туман (шаҳар) филиаллари бошлиқлари, Кадастр агентлиги тизимидаги ташкилотларнинг комплаенс-назорат хизмати ходимлари Кадастр агентлиги директори томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади.

6. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлигининг ташкилий тузилмаси 1-иловага** мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги марказий аппаратининг бошқарув ходимларининг чекланган сони 81 нафардан иборат тузилмаси 2-иловага** мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлари ва Тошкент шаҳар бошқармаларининг намунавий тузилмаси 3-иловага** мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги туман (шаҳар) бўлимларининг намунавий тузилмаси 4-иловага** мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги ҳудудий органлари ходимларининг чекланган умумий сони 5-иловага** мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлигининг Давлат кадастрлари палатаси марказий аппаратининг бошқарув ходимларининг чекланган сони 114 нафардан иборат тузилмаси 6-иловага** мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги Давлат кадастрлари палатаси Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлари, Тошкент шаҳар бошқармаларининг намунавий тузилмаси 7-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

7. Кадастр агентлиги директори:

зарур ҳолларда, Кадастр агентлигининг марказий аппарати, ҳудудий бошқармалари, туман (шаҳар) бўлимлари, Давлат кадастрлари палатасининг марказий аппарати ва ҳудудий бошқармалари, шунингдек, Кадастр агентлиги тизимидаги бошқа ташкилотларнинг тузилмасига бошқарув ходимларининг чекланган умумий сони доирасида ўзгартиришлар киритиш;

Давлат кадастрлари палатаси туман (шаҳар) филиалларининг намунавий тузилмаси ҳамда ходимларининг чекланган сонини иш ҳажмидан келиб чиққан ҳолда белгилаш ва ўзгартириш;

зарур ҳолларда, Вазирлар Маҳкамаси билан келишилган ҳолда Кадастр агентлигининг марказий аппарати, ҳудудий бошқармалари, туман (шаҳар) бўлимлари, Давлат кадастрлари палатасининг марказий аппарати ва ҳудудий бошқармаларига Кадастр агентлигининг бюджетдан ташқари жамғармаси маблағлари ҳисобидан қўшмача штат бирликларини киритиш;

меҳнат бозорининг амалдаги конъюнктурасини ҳисобга олган ҳолда, тор доирадаги мутахассисларни шартнома асосида Кадастр агентлиги ва Давлат кадастрлари палатасига ишга жалб этиш ҳуқуқи берилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ж.А.Қўчқоров:

икки ҳафта мuddатда Кадастр агентлигининг марказий аттестация комиссиясини ташкил этсин, унинг таркибига келишув асосида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги, Адлия вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, бошқа давлат органлари ва ташкилотлари ходимлари, соҳанинг кўзга кўринган мутахассислари, фан ва таълим муассасалари вакиллари ҳам киритилишини таъминласин;

икки ой мuddатда Кадастр агентлиги тизимидаги раҳбарлик лавозимларига номзодларни ишга қабул қилиш бўйича танлов ўтказилишини таъминласин;

2020 йил охирига қадар Кадастр агентлиги тизимидаги бошқа лавозимларга малакали ходимларнинг ишга қабул қилинишини таъминласин.

9. Давлат кадастрларини юритиш бўйича ваколатли органлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва самарали ташкил этиш мақсадида Давлат кадастрларини шакллантириш бўйича **идоралараро ишчи гуруҳ** (кейинги ўринларда – Идоралараро ишчи гуруҳ) ташкил этилсин ва унинг таркиби 8-иловага** мувофиқ тасдиқласин.

Мазкур қарорнинг 9-иловасига** мувофиқ Давлат кадастрлари объектарини хатловдан ўтказиш ва Миллий геоахборот тизимига киритиш бўйича **мақсадли кўрсаткичларга** эришиш Идоралараро ишчи гуруҳнинг асосий вазифаси этиб белгилансин.

Белгилансинки, Мақсадли кўрсаткичларнинг ўз вақтида ва тўлиқ икro этилиши ҳолати Идоралараро ишчи гуруҳнинг тақлифига кўра **Вазирлар Маҳкамаси Раёсатида муҳокама қилинади**.

10. Кадастр агентлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар ҳамда Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан бирга 2020 йил 1 декабрга қадар давлат кадастрларини юритиш бўйича ваколатли органларнинг Миллий геоахборот тизимига интеграция қилинишини таъминласин.

11. Қуйидагилар Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ ҳўжалигини ривожлантириш ва озиқ-овқат таъминоти жамғармаси маблағларини шакллантиришнинг қўшмача манбалари этиб белгилансин:

қишлоқ ҳўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчиликларининг ўрнини қоплаш бўйича тўланадиган компенсация тўловининг сўғориладиган ерлар учун 10 фоизи, лалми ерлар, сўғориладиган ва лалми бўз ерлар, пичанзорлар ва айловлар учун – 5 фоизи;

қишлоқ ҳўжалигига мўлжалланган ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш учун ундириладиган йиғимнинг 10 фоизи;

қишлоқ ҳўжалигига мўлжалланган ерларни жисмоний ва юридик шахсларга ижарага бериш учун ўтказиладиган электрон онлайн-аукционлардан тушадиган маблағларнинг 50 фоизи (электрон аукционни ўтказиш билан боғлиқ харажатлар чегриб ташлангандан кейин ҳисобланади).

12. Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги марказий аппарати тузилмасида:

стратегик ривожлантириш, инвестициялар ва халқаро иқтисодий ҳамкорлини ривожлантириш масалаларига масъул вазир ўринбосари лавозими тугатилсин;

қишлоқ ҳўжалигига ер ресурсларидан самарали фойдаланиш, қишлоқ ҳўжалиги экинларини жойлаштириш, ер мониторингини амалга ошириш масалаларига масъул вазир ўринбосари лавозими киритилсин.

Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги ва унинг ҳудудий органларига Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ ҳўжалигини

**Қарорга 1–10-иловлар «СБХ»да чоп этилмайди. Ҳужжатнинг тўлиқ матни билан «Нотта» АҚТ ва nrm.uz сайтида танишиш мумкин.

ўртасида тузилган шартномаларда кўрсатилган мақсадларда фойдаланилади.

6. Резидент юридик шахсларнинг номига келиб тушаётган валюта маблағлари, агар Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёки Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг қарорларида ёхуд Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида бошқача тартиб белгиланмаган бўлса, уларнинг Ўзбекистон Республикаси банкларидаги ҳисобварақларига киритилиши шарт.

7. Норезидентлар Ўзбекистон Республикаси банкларида очилган миллий валютадаги ҳисобварақларига қонуний йўл билан топишган маблағлари киритилади ва улардан мазкур Қўдаларга мувофиқ мустақил равишда фойдаланадилар.

8. Резидентлар ва норезидентлар Ўзбекистон Республикаси банкларидаги ўз ҳисобварақларидан маблағларини Ўзбекистон Республикасининг бошқа банкларида очилган ўз ҳисобварақларига чекловларсиз ўтказишлари мумкин.

9. Тижорат банклари томонидан чет эл валютасини сотиш ва сотиб олиш операциялари валюта позициясига нисбатан ўрнатилган лимитлар доирасида амалга оширилади.

10. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки (бундан буён матнда Марказий банк деб юритилади) ва тижорат банклари бевосита ўзлари ўртасида, ўз миқозлари билан, шунингдек валюта биржаси орқали валютасий сўп операцияларини Халқаро сўплар ва деривативлар ассоциациясининг (International Swaps and Derivatives Association – ISDA) сўп битимини тузишнинг намунавий шартлари ва тавсиялари асосида амалга оширадилар.

11. Капитал ҳаракати операциялари Капитал ҳаракати билан боғлиқ айрим валюта операцияларини амалга ошириш тартиби тўғрисида низома (рўйхат рақами 2536, 2013 йил 17 декабрь) белгиланган тартибда амалга оширилади.

12. Тижорат банклари валюта операцияларини амалга оширишда жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролиларини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига тўлиқ риоя этишлари лозим.

2-БОБ. ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ТОМОНИДАН РЕЗИДЕНТЛАРНИНГ ЧЕТ ЭЛ ВАЛЮТАСИДАГИ ҲИСОБВАРАҚЛАРИНИ ЮРИТИШ

13. Резидент юридик шахсларнинг, шунингдек яққа тартибдаги тadbirkorларнинг чет эл валютасидаги маблағлари Ўзбекистон Республикаси банкларида очилган валюта ҳисобварақларида сақланади ва улар ушбу маблағлардан мазкур Қўдаларга мувофиқ мустақил равишда фойдаланадилар.

14. Резидент юридик шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқаридagi ҳисобварақлардан ушбу ҳисобварақларни очиб ушбу асос бўлган Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёки Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг қарорларида ёхуд Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида белгиланган мақсадларда фойдаланишга йўл қўйилади.

Хорижий давлатларда ҳисобварақлар очган резидент юридик шахслар томонидан ҳар чорақда ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 25-санасига қадар давлат рўйхатидан ўтган жойдаги давлат солик хизматида ҳамда асосий ҳисобварақга хизмат кўрсатувчи тижорат банкига ҳисобварақлар очилганлиги (ёпирилганлиги) тўғрисида ва ҳисобварақларнинг рекузитлари ўзгарганлиги ҳақида, шунингдек ушбу ҳисобварақлардаги қолдиқлар ва айланмалар тўғрисида маълумотлар иловада*** келтирилган шаклга мувофиқ тақдим этилади.

15. Резидент юридик шахсларнинг ва яққа тартибдаги тadbirkorларнинг валюта ҳисобварақларига ички ва халқаро валюта операциялари бўйича чет эл валютаси киритилиши мумкин.

Валюта ҳисобварақлардаги маблағлардан ҳисобварақ эгасининг топширигига кўра:

ички валюта операциялари учун;

жорий халқаро операциялари учун;

қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда капитал ҳаракати операциялари учун;

хизмат сафарига харажатлари учун, шу жумладан, нақд шаклда фойдаланилиши мумкин.

16. Резидент жимсийон шахсларнинг номига келиб тушаётган валюта маблағлари уларнинг ҳисобварақларига чекловларсиз киритилади ҳамда ушбу маблағлардан мустақил равишда фойдаланилади.

3-БОБ. ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ТОМОНИДАН НОРЕЗИДЕНТЛАРНИНГ ЧЕТ ЭЛ ВАЛЮТАСИДАГИ ҲИСОБВАРАҚЛАРИНИ ЮРИТИШ

17. Ўзбекистон Республикасида аккредитация қилинган, имунитет ва дипломатик имтиёزلардан фойдаланадиган хорижий давлатларнинг дипломатик ваколатхоналари, халқаро ташкилотлар ва уларнинг филиаллари, шунингдек хўжалик ёки бошқа тижорат фаолиятини амалга оширмайдиган Ўзбекистон Республикасидаги бошқа хорижий ташкилотлар ваколатхоналарининг (бундан буён матнда норезидентларнинг ваколатхоналари деб юритилади) чет эл валютасидаги ҳисобварақларига:

Ўзбекистон Республикасининг ҳудудидан олинган консуллик йиғимлари;

ваколатхона ташкил этган норезидентнинг хориждаги ҳисобварақидан ўтказилган маблағлар;

ваколатхона ташкил этган норезидентнинг Ўзбекистон Республикасидаги инвестицион фаолияти натижасида олинган дивидендлари, даромадлари ва қонуний йўл билан топишган бошқа маблағлари;

ички валюта бозорида сотиб олинган маблағлар;

йўловчи боғжона декларацияси асосида хориждан олиб келинган нақд чет эл валютаси, бундан декларация тўлдириш талаб этилмайдиган ҳолатлар мустасно;

хориждан ҳисобварақ эгаси номига почта жўнатмалари орқали юборилган нақд чет эл валютаси киритилиши мумкин.

Норезидентлар ваколатхоналарининг чет эл валютасидаги ҳисобварақлардаги маблағлардан ҳисобварақ эгасининг топширигига кўра:

ваколатхона ташкил этган норезидентнинг хориждаги ҳисобварақига ўтказиш учун;

чет элга носавдо тусдаги пул ўтказмаларини амалга ошириш учун;

чет эл валютасидаги операциялар бўйича банкнинг воситачилик ҳақини, ходимларнинг Ўзбекистон Республикасидан ташқарига хизмат сафарига жўнатилиши билан боғлиқ харажатлари (шу жумладан, нақд шаклда) тўлаш учун;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудидagi тижорат банклари орқали сотиш учун фойдаланилиши мумкин.

18. Норезидентлар доимий муассасаларининг чет эл валютасидаги ҳисобварақларига:

доимий муассаса ташкил этган норезидентнинг хориждаги ҳисобварақидан ўтказилган маблағлар;

доимий муассаса ташкил этган норезидентнинг Ўзбекистон Республикасидаги инвестицион фаолияти натижасида олинган дивидендлари, даромадлари ва қонуний йўл билан топишган бошқа маблағлари;

ички валюта бозорида сотиб олинган маблағлари;

жорий халқаро операцияларига оид ўтказмалар киритилиши мумкин.

Норезидентлар доимий муассасаларининг чет эл валютасидаги ҳисобварақларидagi маблағлардан ҳисобварақ эгасининг топширигига кўра:

доимий муассасани ташкил этган норезидентнинг хориждаги ҳисобварақига ўтказиш учун;

***Қўдаларга илова «СБХ»да чоп этилмайди. Ҳужжатнинг тўлиқ матни билан «Norma» АҚТ ва nrm.uz сайтида танишиш мумкин.

1. Ўзбекистон Республикасида валюта операцияларини амалга ошириш қоидалари 1-иловага мувофиқ тасдиқланган.
2. Айрим идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар 2-иловага** мувофиқ ўз кучини йўқотган деб топилин.

3. Мазкур қарор 2020 йил 1 сентябрдан қучга қиради.
Марказий банк раиси М.НУРМУРАТОВ.

Тошкент ш.,
2020 йил 29 август
18/5-сон.

ЎЗР МБ бошқарувининг 2020 йил 29 августдаги 18/5-сон қарорига
1-ИЛОВА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ВАЛЮТА ОПЕРАЦИЯЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШ ҚОИДАЛАРИ

Мазкур Қоидалар Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги ва «Валютани тартибга солиш тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ Ўзбекистон Республикасида Ўзбекистон Республикаси резидентлари (бундан буён матнда резидентлар деб юритилади) ва норезидентлари (бундан буён матнда норезидентлар деб юритилади) томонидан валюта операцияларини амалга ошириш тартибини белгилайди.

1-БОБ. УМУМЙ ҚОИДАЛАР

1. Мазкур Қоидаларда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

- валюта ҳисобварақлари – Ўзбекистон Республикаси банкларида очиладиган чет эл валютасидаги талаб қилиб олингунча, жамғарма, мuddатли ва бошқа депозит ҳисобварақлар;
- ички валюта бозори – валюта биржасида, Ўзбекистон Республикаси банклари ўртасида ҳамда бевосита тижорат банкларида мижозлар билан амалга ошириладиган чет эл валютасини сотиб олиш ва сотиш;
- ички валюта операциялари – Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чет эл валютасида амалга ошириладиган операциялар.

2. Ички валюта операцияларига қуйидагилар қиради:

божсиз савдо дўконларидаги ҳисоб-китоблар, шунингдек халқаро ташишларда транспорт воситаларининг қатнов йўлларида йўловчиларга товарларни реализация қилиш ва хизматлар кўрсатиш чоғидаги ҳисоб-китоблар билан боғлиқ операциялар;

воситачилар (вакиллар) томонидан норезидентлар билан товарларни топшириш, ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш, ахборот ва интеллектуал фаолият натижаларини, уларга бўлган мулклар ҳуқуқларни бериш бўйича шартномалар тузиш ҳамда уларни бажариш билан боғлиқ хизматлар кўрсатиш чоғида воситачилар (вакиллар) ва комитентлар (ишонч билдирувчилар) ўртасидаги операциялар, шу жумладан комитентларга (ишонч билдирувчиларга) пул суммаларини (бошқа мол-мулкни) қайтаришга доир операциялар;

тузилган шартномалар асосида транспорт-экспедиторлик хизматларини реализация қилишдан экспедиторлик компанияларининг ҳисобварағига хориждан келиб тушаётган чет эл валютасидаги маблағларни ҳисоб-китоб қилишни ва ўтказишни назарда тутувчи операциялар;

жисмоний шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ташқарига хизмат сафарлари амалга оширилиши билан боғлиқ харажатларини тўлаш ва уларнинг ўрнини қоплаш бўйича операциялар, шунингдек хизмат сафарлари муносабати билан берилган, сарфланмай қолган бўнақни қайтаришга доир операциялар;

резидент жисмоний шахс томонидан Ўзбекистон Республикаси банкларида очилган ҳисобварақлардан бошқа резидент жисмоний шахслар фойдасига уларнинг Ўзбекистон Республикаси банкларида очилган ҳисобварақларига носавдо операциялар бўйича ўтказмалар;

агар охириги харидор ёки сотувчи норезидент бўлса, воси-

тачилар (вакиллар) томонидан мажбуриятлар қилиринг натижалари бўйича бажарилиши лозим бўлган шартномаларни тузиш ва бажариш билан боғлиқ хизматларни кўрсатиш чоғида воситачилар (вакиллар) ва комитентлар (ишонч билдирувчилар) ўртасидаги операциялар;

мажбуриятлар бажарилишининг таъминоти сифатида валюта қимматликларидан фойдаланиш, шунингдек уларни ундириш билан боғлиқ операциялар;

юридик шахсларнинг устав фондида (устав капиталига) валюта қимматликларини киритиш ва қайтариш билан боғлиқ операциялар;

банк хизматларини амалга ошириш билан боғлиқ операциялар;

хайрия фаолияти билан боғлиқ операциялар;

мерос ҳуқуқи бўйича валюта қимматликларини олиш билан боғлиқ операциялар;

мажкур Қоидаларнинг 45-бандида белгиланган ҳолатларда нақд чет эл валютасини қабул қилиш билан боғлиқ операциялар;

ички валюта бозорида чет эл валютасини сотиб олиш ва сотиш операциялари;

норезидент юридик шахснинг Ўзбекистон Республикасидаги инвестицион фаолияти натижасида олинган дивидендлари, даромадлари ва қонуний йўл билан топишган бошқа маблағларини ушбу норезидент томонидан Ўзбекистон Республикасида ташкил этилган ваколатхона ёки доимий муассасасига ўтказиш операциялари;

товар-хом ашё биржаларининг очик электрон савдоларида норезидентлар томонидан, шу жумладан биржа брокерлари орқали товарларни сотиш ва сотиб олиш билан боғлиқ ўтказмалар;

қимматли қоғозлар савдоси ташкилотчиларининг очик электрон савдоларида норезидентлар томонидан, шу жумладан биржа брокерлари ва инвестиция воситачилари орқали акцияларни сотиш ва сотиб олиш билан боғлиқ ўтказмалар;

хорижий давлатларнинг дипломатик ваколатхоналарига консуллик йиғимларини тўлаш;

судларнинг қарорлари асосида пул маблағларини тўлаш.

Ички валюта операциялари резидентлар ва норезидентлар томонидан ушбу Қоидаларга мувофиқ чекловларсиз амалга оширилади.

3. Резидентлар ва норезидентлар томонидан Ўзбекистон Республикаси банкларида ҳисобварақларни очиб Ўзбекистон Республикаси банкларида очиладиган банк ҳисобварақлари тўғрисидаги йўриқномада (рўйхат рақами 1948, 2009 йил 27 апрель) белгиланган тартибда амалга оширилади.

4. Ўзбекистон Республикаси банклари хорижий банклар билан тузилган шартномаларга (қелишувларга, битимларга) асосан миллий ва чет эл валютасида ўзаро вакиллик ҳисобварақлари очилиши ҳамда ушбу ҳисобварақлардан шартномада кўрсатилган мақсадлар доирасида фойдаланишлари мумкин.

5. Халқаро молия институтларининг Ўзбекистон Республикаси банкларида очилган ҳисобварақларидан томонлар

**Қарорга 2-илова «СБХ»да чоп этилмайди. Ҳужжатнинг тўлиқ матни билан «Норма» АҚТ ва nrm.uz сайтида танишиш мумкин.

ривожлантириш ва озиқ-овқат таъминоти жамғармаси маблағлари ҳисобидан молиялаштирилаётган қўшимча 204 та бошқарув ходими шат бирикмалари ажратилсин.

13. Қишлоқ ҳўжалиги вазирлигининг ҳудудий органлари мансабдор шахсларига қишлоқ ҳўжалиги ерлари мониторингини ўтказиш жараёнида аниқланадиган ерлардан ҳўжасизларча фойдаланиш ёки уларни яроқсиз ҳолга келтириш билан боғлиқ ҳолатлар юзасидан маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисида баённома тузиш ва қўриб чиқиш учун ваколатли органларга юбориш ҳуқуқи берилсин.

14. Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги Жаҳон банки томонидан «Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ҳўжалигини модернизация қилиш» лойиҳаси доирасида ажратилган маблағлар ҳисобидан 2021–2022 йилларда вазирлик тизимига ўтказилган ташкилотларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, қишлоқ ҳўжалиги ерларидан самарали фойдаланишни мувофиқлаштиришда инновацион технологияларни жорий этиш чораларини кўрсин.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига 10-иловага** мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

16. Кадастр агентлиги:

а) бир ой муддатда Кадастр агентлиги ва Давлат кадастр-

лари палатаси тўғрисидаги низомилар лойиҳаларини Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

б) икки ой муддатда Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда Кадастр агентлигининг бюджетдан ташқари жамғармаси тўғрисидаги низомини тасдиқласин;

б) манфаатдор вазирлик ва идоралар билан бирга икки ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига:

«Қўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни лойиҳасини;

давлат ер кадастрини юритиш, бинолар ва иншоотлар давлат кадастрини юритиш ҳамда давлат ер нозоратини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомилар лойиҳаларини;

қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида таклифларни киритсин.

17. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ж.А.Қўчқоров зиммасига юксансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президентини
Ш.МИРЗИЁЕВ.**

Тошкент ш.,
2020 йил 7 сентябрь
ПҚ-4819-сон.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

ЮРИДИК ШАХСЛАР, ФАОЛИЯТИНИ ВАКОЛАТХОНА, ФИЛИАЛ ЁКИ ДОИМИЙ МУАССАСА ОРҚАЛИ АМАЛГА ОШИРАЁТГАН ЧЕТ ЭЛ ЮРИДИК ШАХСЛАРИ ВА ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИ БИЛАН ШУҒУЛЛАНУВЧИ ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАР ТЎҒРИСИДАГИ МАЪЛУМОТЛАРНИ ЙИҒИШ, ҚАЙТА ИШЛАШ ВА САҚЛАШ МЕХАНИЗМЛАРИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА*

Юридик шахслар, фаолиятини ваколатхона, филиал ёки доимий муассаса орқали амалга ошираётган чет эл юридик шахслари ва тадбиркорлик фаолияти билан шугулланувчи жисмоний шахслар тўғрисида ягона марказлаштирилган ахборот манбаини шакллантириш, шунингдек, давлат хизматларини кўрсатишда идоралараро электрон ҳамкорликни таъминлаш мақсадига Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Куйидагилар:

Юридик шахслар, фаолиятини ваколатхона, филиал ёки доимий муассаса орқали амалга ошираётган чет эл юридик шахслари ва тадбиркорлик фаолияти билан шугулланувчи жисмоний шахсларнинг марказий маълумотлар базасини шакллантириш ва юритиш тартиби тўғрисидаги низоми 1-иловага мувофиқ;

Юридик шахслар, фаолиятини ваколатхона, филиал ёки доимий муассаса орқали амалга ошираётган чет эл юридик шахслари ва тадбиркорлик фаолияти билан шугулланувчи жисмоний шахсларнинг марказий маълумотлар базасидagi маълумотларни қайта ишлашда фойдаланиладиган классификатор ва маълумотномалар рўйхати 2-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

2. Белгилансинки:

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси юридик шахслар, фаолиятини ваколатхона, филиал ёки доимий муассаса орқали амалга ошираётган чет эл юридик шахслари ва тадбиркорлик фаолияти билан шугулланувчи жисмоний шахсларнинг марказий маълумотлар базасини (кейинги

ўринларда – марказий маълумотлар базаси) юритиш бўйича ваколатли орган ҳисобланади;

марказий маълумотлар базаси солиқ органларининг Ягона интеграциялаштирилган ахборот-ресурс базаси негизда ташкил этилади ва юритилади;

марказий маълумотлар базасини ташкил этиш, амалиётга жорий қилиш ва юритишни молиялаштириш Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг Маълумотларни қайта ишлаш марказини модернизация қилиш ва солиқ маъмуриятчилигида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш лойиҳасининг молиялаштириш маблағлари ҳисобидан амалга оширилади;

марказий маълумотлар базаси давлат хизматларини кўрсатиш ва давлат органлари ҳамда бошқа ташкилотлар билан идоралараро электрон ҳамкорлик учун зарур бўлган юридик шахслар, фаолиятини ваколатхона, филиал ёки доимий муассаса орқали амалга ошираётган чет эл юридик шахслари ва тадбиркорлик фаолияти билан шугулланувчи жисмоний шахслар тўғрисидаги ягона маълумот манбаи ҳисобланади;

мазкур қарорга 2-иловада келтирилган рўйхатга мувофиқ маълумотлар органлари томонидан тегишли маълумотномалар ва классификаторлар Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 16 июлдаги 444-сон қарори билан тасдиқланган Электрон ҳукуматнинг маълумотномалар ва классификаторлар регистрини шакллантириш ва юритиш ҳамда ягона идентификаторлардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомига мувофиқ «Электрон ҳукуматнинг маълумотномалар ва классификаторлар

*Ушбу қарор Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) эълон қилинган ва 4.09.2020 йилдан кучга кирди.

**Қарорга 1–3-иловалар «СБХ»да чоп этилмади. Ҳужжатнинг тўлиқ матни билан «Norma» АҚТ ва nrm.uz сайтида танишиш мумкин.

регистри» ахборот тизимида жойлаштирилади ва янгилан борилади.

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда:

а) бир ой муддатда 2020 йил 1 декабрга қадар давлат органлари ва ташкилотларининг ахборот тизимлари ва ресурсларини марказий маълумотлар базасига интеграция қилиш тартибини тасдиқласин;

б) уч ой муддатда:

Давлат солиқ қўмитасининг Моддий ёрдам, ижтимоий ҳимоя, солиқ органларини ривожлантириш ва кўзда тутилмаган ҳаракатлар махсус жамғармаси маблағлари ҳисобидан киберхавфсизлик талабларига жавоб берадиган замонавий сервер ускуналарини харид қилсин ва ўрнатсин, «Электрон ҳукумат» тизими доирасида идоралараро электрон ҳамкорлиқни таъминлаш учун ишлатилувчи сервер ускуналари кейинчалик Электрон ҳукуматнинг маълумотларни қайта ишлаш ягона марказига жойлаштирилишини назарда тутсин;

давлат органлари ва ташкилотларининг ахборот тизимларини марказий маълумотлар базаси билан бирлаштириш учун техник талабларни тасдиқласин;

в) 2021 йил 1 январга қадар марказий маълумотлар базасини ишлаб чиқсин ва ишга туширсин.

4. Марказий маълумотлар базасига маълумотларнинг киритилиши ва янгиланишига масъул бўлган давлат органлари ва ташкилотлари:

икки ой муддатда мазкур қарорга 2-иловада келтирилган маълумотномалар ва классификаторлардан фойдаланиш бўйича ўзларининг ахборот тизимлари ва маълумотлар базаларига ўзгартириш киритилишини таъминласинлар;

2021 йил 1 январга қадар юридик шахслар, фаолиятини ваколатхона, филиал ёки доимий муассаса орқали амалга ошираётган чет эл юридик шахслари ва тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахслар тўғрисида ўзларининг мавжуд маълумотлар базаларидаги маълумотларни ҳаққонийлиги ва долзарблигини таъминлаш бўйича хатловдан ўтказсинлар.

5. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси:

Давлат солиқ қўмитаси, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги билан биргаликда марказий маълумотлар базасидаги йўлға маълумотларни эълон қилиш ҳадваллари намуналарини бир ой муддатда ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

ҳар ой якуни бўйича таҳлилий маълумотларни белгиланган тартибда вазирлик ва идораларга тақдим этиб боришни таъминласин.

6. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳамда тегишли давлат органлари ва ташкилотлари билан биргаликда идоралараро электрон ҳамкорлик орқали қуйидаги маълумотларнинг:

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги – рўйхатдан ўтган нодавлат нотариат ташкилотлари, адвокатлик бюрolari ва фирмалари, адвокатлар ҳайъати тўғрисидаги;

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки – рўйхатдан ўтган банклар, кредит бюрolari ва хорижий банкларнинг ваколатхоналари тўғрисидаги;

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги – аккредитациядан ўтган дипломатик ваколатхоналар, хорижий давлатларнинг консуллик муассасалари, халқаро ташкилотларнинг ваколатхоналари тўғрисидаги;

Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги – хорижий тижорат ташкилотларининг аккредитациядан ўтган ваколатхоналари тўғрисидаги маълумотлар марказий маълумотлар базасига ўтказилишини таъминласин.

7. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 3-иловага** мувофиқ айрим қарорларига ўзгартиришлар киритилсин.

8. Мазкур қарорнинг 7-банди 2021 йил 1 январдан эътиборан қучга қиради.

9. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси манфаатдор вазирликлари ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни икки ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

10. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирнинг маслаҳатчиси – ИТ-технологиялар, телекоммуникациялар ва инновацион фаолиятни ривожлантириш масалалари департаменти бошлиғи О.М.Умаров ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси раиси Ш.Д.Кудибиев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири
А.АРИПОВ.**

Тошкент ш.,
2020 йил 4 сентябрь
539-сон.

ЎЗР ВМнинг 2020 йил 4 сентябрдаги 539-сон қарорига
1-ИЛОВА

ЮРИДИК ШАХСЛАР, ФАОЛИЯТИНИ ВАКОЛАТХОНА, ФИЛИАЛ ЁКИ ДОИМИЙ МУАССАСА ОРҚАЛИ АМАЛГА ОШИРАЁТГАН ЧЕТ ЭЛ ЮРИДИК ШАХСЛАРИ ВА ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИ БИЛАН ШУҒУЛЛАНУВЧИ ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРНИНГ МАРКАЗИЙ МАЪЛУМОТЛАР БАЗАСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ВА ЮРИТИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДА НИЗОМ

1-БОБ. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Ушбу Низом юридик шахслар, Ўзбекистон Республикасидаги фаолиятини ваколатхона, филиал ёки доимий муассаса орқали амалга ошираётган чет эл юридик шахслари, аккредитациядан ўтган дипломатик ваколатхоналар, хорижий давлатларнинг консуллик муассасалари, халқаро ташкилотларнинг ваколатхоналари ҳамда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахсларнинг (якка тартибдаги тадбиркорларнинг) марказий маълумотлар базасини (кейинги ўринларда – марказий маълумотлар базаси) шакллантириш, янгилash, юритиш ва улардан фойдаланиш тартибини белгилайди.

2. Марказий маълумотлар базасида давлат хизматларини кўрсатиш ва давлат органлари ва бошқа ташкилотлар (кейинги ўринларда – ваколатли органлар) билан идоралараро электрон ҳамкорлик қилиш учун зарур бўлган юридик шахслар, фаолиятини ваколатхона, филиал ёки доимий муассаса орқали амалга ошираётган чет эл юридик шахслари ва тадбиркорлик фаолияти

билан шуғулланувчи жисмоний шахслар тўғрисидаги маълумотлар манбаи бўлган давлат ахборот ресурси жамланади.

3. Марказий маълумотлар базаси:

давлат хизматларини, жумладан, электрон шаклда кўрсатиш;

давлат хизматларини кўрсатиш жараёнларини автоматлаштириш ва вақтини қисқартириш;

давлат хизматларини кўрсатиш ва идоралараро электрон ҳамкорлик учун зарур бўлган юридик шахслар, фаолиятини ваколатхона, филиал ёки доимий муассаса орқали амалга ошираётган чет эл юридик шахслари ва тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахслар тўғрисидаги маълумотларни сақлаш;

давлат хизматларини кўрсатишда юридик шахслар, фаолиятини ваколатхона, филиал ёки доимий муассаса орқали амалга ошираётган чет эл юридик шахслари ва тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахсларни идентификациялаш;

ваколатли органларнинг ахборот тизимларини «Электрон ҳукумат» тизимининг ягона инфратузилмасига бирлаштириш мақсадида шакллантирилади ва юритилади.

4. Марказий маълумотлар базаси ушбу Низомга 1-иловага*** мувофиқ схема асосида шакллантирилади ва юритилади.

2-БОБ. МАРКАЗИЙ МАЪЛУМОТЛАР БАЗАСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ВА ЯНГИЛАШ

5. Марказий маълумотлар базаси ваколатли органлар томонидан юридик шахслар, фаолиятини ваколатхона, филиал ёки доимий муассаса орқали амалга ошираётган чет эл юридик шахслари ва тadbirkorлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахслар учун солиқ тўловчининг идентификация рақамидан (кейинги ўринларда – СТИР) ва жисмоний шахсларнинг шахсий идентификация рақамидан (кейинги ўринларда – ЖШШИР) фойдаланган ҳолда шакллантирилади ва янгиланади.

6. Марказий маълумотлар базасига маълумотларни киритиш ва янгилаш ушбу Низомга 2-иловада*** келтирилган Юридик шахслар, фаолиятини ваколатхона, филиал ёки доимий муассаса орқали амалга ошираётган чет эл юридик шахслари ва тadbirkorлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахсларнинг марказий маълумотлар базасида сақланганидан ва қайта ишланадиган маълумотлар рўйхатига мувофиқ маълумотларни киритиш ва уларни янгилаш учун масъул бўлган давлат органлари ва ташкилотлари томонидан амалга оширилади.

Марказий маълумотлар базасига маълумотларни киритиш ва янгилаш қатъий равишда Электрон ҳукуматнинг маълумотномалар ва классификаторлар регистрига киритилган маълумотномалар ва классификаторлардан фойдаланган ҳолда амалга оширилади.

7. Маълумотлар ваколатли давлат органлари ва ташкилотларнинг автоматлаштирилган сўровларига мувофиқ янгиланади.

8. Марказий маълумотлар базасида мавжуд бўлмаган ва давлат хизматларини кўрсатиш, шунингдек, идоралараро электрон ҳамкорлик учун зарур бўлган маълумотлар электрон ҳукуматнинг ягона идентификаторлари асосида шакллантирилган тегишли ваколатли органларнинг ахборот ресурсларида сақланади.

3-БОБ. МАРКАЗИЙ МАЪЛУМОТЛАР БАЗАСИНИ ЮРИТИШ ВА УНДАН ФОЙДАЛАНИШ ТАРТИБИ

9. Марказий маълумотлар базаси Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан юритилади ва қуйидагиларни таъминлашга қаратилган:

марказий маълумотлар базаси дастурий-техник мажмуа-

сининг ишлашини техник таъминлаш ва уни янада такомиллаштириш;

белгиланган тартибда марказий маълумотлар базасида маълумотларнинг сақланиши ва ахборот хавфсизлигини таъминлаш бўйича чоралар кўриш;

ваколатли органлар билан келишган ҳолда марказий маълумотлар базасини шакллантириш ва янгилаш графикани тасдиқлаш;

ваколатли органлар томонидан марказий маълумотлар базасида сақланадиган маълумотларнинг ўз вақтида янгиланишини назорат қилиш;

марказий маълумотлар базасида мавжуд бўлган маълумотларнинг тўлиқлигини текшириш;

ваколатли органларнинг ахборот тизимларини марказий маълумотлар базаси билан бирлаштириш учун техник талабларни тасдиқлаш.

10. Марказий маълумотлар базасига маълумотларнинг киритилиши ва янгиланишига масъул бўлган давлат органлари ва ташкилотларига марказий маълумотлар базасидан фойдаланиш имконияти яратилади.

11. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси шаклланган марказий маълумотлар базасининг нухсаларини унга кириш ҳуқуқига эга бўлмаган шахсларга тақдим этишга ҳақли эмас.

12. Ваколатли органлар томонидан марказий маълумотлар базасига тақдим этиладиган маълумотлар тақдим этилаётган вақтда ишончли, тўлиқ ва долзарб бўлиши керак.

13. Маълумотлар марказий маълумотлар базасидан электрон ҳукуматнинг ягона идентификаторларидан фойдаланиш орқали олинади.

14. Идоралараро электрон ҳамкорликда бошқа идентификаторлардан фойдаланишга йўл қўйилмайди.

15. Давлат хизматларини кўрсатиш ва идоралараро электрон ўзаро ҳамкорликда марказий маълумотлар базаси маълумотларидан фойдаланиш «Электрон ҳукумат» тизимининг идоралараро интеграция платформаси ёрдамида амалга оширилади.

16. Давлат хизматларини кўрсатишда жисмоний ва юридик шахслардан марказий маълумотлар базасида ва тегишли ваколатли органларнинг ахборот ресурсларида мавжуд бўлган маълумотларни талаб этиш тақиқланади.

Бунда ваколатли органлар бошқа органларда ва ташкилотларда мавжуд бўлган ахборотларни ўзаро ахборот ҳамкорлиги йўли билан электрон тарзда мустақил равишда олади.

4-БОБ. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДА

17. Марказий маълумотлар базасидаги маълумотларнинг ишончилиги ва долзарблиги учун жавобгарлик ваколатли органларга юкланади.

***Низомга 1–2-иловалар «СБХ»да чоп этилмайди. Хужжатнинг тўлиқ матни билан «Нотам» АҚТ ва nrm.uz сайтида танишиш мумкин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ВАЛЮТА ОПЕРАЦИЯЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШ ҚОИДАЛАРИНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 31 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3281

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги ва «Валютани тартибга

солиш тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви қарор қилади:

*Ушбу қарор Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) эълон қилинган ва 1.09.2020 йилдан кучга кирди.



ТАШРИФ

ТАДБИРКОРЛИКНИ Қўллаб-қувватлаш – БОЖЖОНАЧИЛАР ЭЪТИБОРИДА

Мамлакатимизда пандемия шароитида экспорт ҳажмини ошириш ва иқтисодиётнинг барқарорлигини таъминлаш энг долзарб масалалардан бўлиб қолмоқда. Бунда тадбиркорлик субъектларига яқиндан қўмак бериш ва уларнинг муаммоларини ҳал этиш фойда муҳим аҳамият касб этади.

Бу борада Президентнинг 2020 йил 18 августдаги ПФ-6042-сон Фармонида мувофиқ тасдиқланган Экспорт ва инвестицияларни ривожлантириш масалалари бўйича Ҳукумат комиссияси жойларда тадбиркорларга амалий ёрдам кўрсатиб келмоқда. Айни шу тадбирлар доирасида Давлат божжона қўмитаси раисининг ўринбосари Муталибжон СОЛИЕВ бошчилигидаги божжона ходимлари Бухоро вилоятида бўлиб, карантин қоидаларига риоя қилган ҳолда маҳаллий тадбиркорлар билан учрашув ўтказди.

Дастлаб Вобкент туманида маҳаллий инвестор томонидан пахта хом ашёсини қайта ишлашдан бошлаб, тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришгача бўлган жараёнларни бирлаштирувчи «Вобкент тола кластер» МЧЖга ташриф буюриб, олиб борилаётган тайёргарлик ишлари билан танишилди. Жамият номига ҳозирги кунга қадар амалдаги қонунчиликка асосан 34 туркумдаги қиймати 19,3 млн евролик товарларга 43,1 млрд сўм миқдорида божжона тўловларидан имтиёз қўлланилган.

Жамият раҳбари В.Мирзаҳакимовнинг сўзларига кўра, мазкур корхона ишга тушгач, пахтадан тайёр маҳсулотга (кластер) ишлаб чиқариш ҳамда Россия, Украина, Польша, Литва каби давлатларга товарларни экспорт қилиш режалаштирилган.

500 нафар ишчи ўринлари яратилиши мўлжалланаётган корхонанинг йиллик ишлаб чиқариш қуввати – 10 минг тонна маҳсулотни ташкил этади. Шунингдек, божжона органлари томонидан жамиятга олиб келиниб, амалдаги қонунчилик талаблари асосида 1,8 млрд сўм божжона тўловларини 120 кунга кечиктириб тўлашга имконият яратилиб берилган. Лекин бугунги кунда коронавирус пандемияси билан боғлиқ иқтисодий инқироз сабабли мазкур муддат ичида божжона тўловларини тўлаш имконияти бўлмаганлиги, божжона қонунчилигидан келиб чиқиб яна қўшимча муддат бериш ҳақида сўралди. Ишчи гуруҳ бу масалани тегишли вазирлик ва идоралар билан биргаликда ўрганиб чиқиб, амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талаблари асосида бу муддатни 2 йилга узайтириб бериш бўйича Вазирлар Маҳкамасига тақлиф киритадиган бўлди.

Бундан ташқари, жамият томонидан олиб келинган товарлар қўшимча ўрганилиб, улар саноатда ишлатиладиган ва



жамият томонидан олиб келинган асбоб-ускуналарнинг ажралмас қисми ҳисобланиши боис уларни расмийлаштиришга доир маслаҳатлар берилди.

Худди шундай яна бир учрашув «WBM Romitex» МЧЖда ўтказилди. Маҳаллий инвестор томонидан пахта хом ашёсидан тайёр маҳсулотга (кластер) ишлаб чиқаришни йўлга қўяётган ушбу корхона ҳам ҳозирги кунга қадар қиймати 2,5 млн АҚШ долларига тенг бўлган «Технологик асбоб-ускуналар ва уларнинг қисмлари»ни чет давлатдан олиб келиб, 6,8 млрд сўм миқдоридаги божжона имтиёзларидан фойдаланган. Бу ерда чиқарилган тайёр маҳсулотлар Россия, Украина, Польша, Литва, Эрон Ислом Республикаси каби давлатларга экспорт қилиниши кутилмоқда. Йиллик ишлаб чиқариш қуввати 15 минг тонна маҳсулотни ташкил этувчи ушбу корхона тўлиқ қувват билан ишлаганда 3 000 нафар ишчи ўрни яратилади.

Ташрифнинг кейинги манзили хорижий инвестор томонидан барпо этилган «Buxara Varnet» МЧЖ хорижий корхонасига бўлди. Мазкур корхонада гидропоника усулида замонавий иссиқхона барпо этиш мўлжалланган. Жорий йилнинг шу даврига қадар корхонага 7,7 млн евролик ускуналар олиб келиниб, 29,8 млрд сўм миқдорида божжона тўловларидан имтиёзлар қўлланилган.

Учрашувлар давомида М.Солиев ишлаб чиқарувчилар учун яратилган имтиёз ва қулайликлар тўғрисида сўз юритиб, мамлакатимизнинг экспорт салоҳиятини кўтаришда тадбиркорларнинг ўрни бекиёслиги ҳамда давлатимиз томонидан берилаётган имтиёзлардан самарали фойдаланиб, экспорт географияси ва турини кенгайтириш лозимлиги, бу борада божжона органлари ваколатлари доирасида доимо амалий ёрдам беришга тайёрлигини маълум қилди.

ДБК Ахборот хизмати.



ИСЛОХОТ ОДИМЛАРИ

Амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар натижасида мамлакатимизнинг экспорт салоҳияти изчил юксалиб, «Made in Uzbekistan» ёрлиғи туширилган маҳсулотлар жаҳон бозорида тобора кенг ўрин эгаллаб бормоқда.



7,2 МЛН ДОЛЛАРЛИК МАҲСУЛОТ – ЭКСПОРТГА

Бугунги кунда Ўзбекистоннинг экспорт географияси билан бир қаторда, экспорт ассортименти ҳам кенгайиб бораётгани қувонарли ҳолдир. Тадбиркорлар озиқ-овқат ва кишлоқ хўжалиғи маҳсулотлари, кундалик эҳтиёж моллари, қурилиш материаллари, кийим-кечак, ип-калава сингари ўнлаб турдаги товарлари билан ташқи бозорларга чиқмоқда.

Президентимиз бир чиқишида «Фаол тадбиркорлик, тинимсиз меҳнат ва қатъий интилиш – тараққиёт ва фаровонлик омилidir» деб таъкидлаган эди. Тошкент шаҳридаги «Global Textile Solutions» корхонаси бу гаплар ҳақиқатини ўз фаолиятида топди. Трикотаж ва тўқув учун юқори сифатли ип маҳсулотларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхонада ҳозирда 300 дан ортиқ иш ўринлари яратилган. Корхонанинг асосий мақсади – профессионал кадрлар тайёрлаш, юқори технология ютуқларига таянган ҳолда юқори сифатли ип маҳсулотлари иш-

лаб чиқаришда сўзсиз етакчилигини эгаллаш.

Корхонада бир кунда 15 тоннага яқин маҳсулот ишлаб чиқарилади. Йиллик ишлаб чиқариш ҳажми эса 5 минг тоннадан ортиқни ташкил этади. Корхона ўз маҳсулотларини ишлаб чиқаришда республикаимизнинг серкуёш минтақаларида етиштирилган сифатли пахтадан фойдаланади. Корхона лабораториясида Швейцария давлатининг «USTER» номли замонавий технологиялари ўрнатилган. Етиштирилган пахта маҳсулотлари ишлаб чиқариш майдонида киришдан олдин мазкур лабораторияда текширувдан ўтказилади.

Корхонада ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг 80 фоизи Туркия, Хитой, Россия, Шарқий ва Жануби-Ғарбий Европа, шунингдек Шимолий Африка мамлакатларига экспорт қилинади.

Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида корхона томонидан 7,2 млн долларлик 3 минг тоннадан ортиқ маҳсулот экспорт қилинган.



КўНГИЛ ОЗОРДАДУР

10 МЛРД СЎМЛИК МАТО – НОҚОНУНИЙ САҚЛАНИШДА

Яширин иқтисодиётнинг асосий омилларидан бири товарларнинг божжона чегаралари орқали ноқонуний олиб ўтилиши, айирбошланиши ва божжона ҳудудида ҳаракатланиши ҳисобланади. Шунинг учун ҳам божжона органлари республикаимизда яширин иқтисодиётнинг улушини қисқартириш ва товарларнинг ноқонуний муомаласи олдини олишда қатъий чора-тадбирларни амалга оширмоқда.

Хусусан, Тошкент шаҳар божжона бошқармаси Контрабандага қарши курашиш ва божжона аудити бўлими ходимлари товар-моддий бойликларнинг ноқонуний айланмасига қарши ўтказган тезкор тадбирда юртимизга ноқонуний йўллар билан олиб кирилган ва хорижий фуқаро В.Х. томонидан хонадонлардан бирида сақлаб келинаётган 10 млрд 277 млн сўмлик матолар фойда этилди.

Ҳозирда юқоридаги ҳолат юзасидан божжона органлари томонидан суриштирув ҳаракатлари олиб боришмоқда.

Тошкент шаҳар божжона бошқармаси Ахборот хизмати.

✓ ТАШРИФ

ТАДБИРКОРЛАР ФИКР- МУЛОҲАЗАЛАРИ ЎРГАНИЛДИ

Иқтисодиётнинг асосий сектори бўлмиш тадбиркор ҳамда ташқи иқтисодий фаолият иштирокчиларини янада қўллаб-қувватлаш мақсадида Давлат божхона қўмитаси раиси ўринбосари, божхона хизмати полковниги М.СОЛИЕВ бошчилигидаги Ишчи гуруҳ Самарқанд вилоятида бўлиб, қатор корхона ва ташкилотларнинг ишлаб чиқариш жараёни билан яқиндан танишди.

«Ургут» ЭИЗда фаолият олиб бораётган «Sam Elektro Servis» Ўзбекистон-Туркия қўшма корхонаси йирик экспортчи хўжаликлардан бири. Корхона йилига 260 мингта электрдуховка, 100 мингта газ плита ва 100 мингта дуд-бурон ишлаб чиқариш қувватига эга. Ҳозирда корхонада 200 нафарга яқин ходим 2 сменада узлуксиз фаолият олиб бормоқда.

Махсулотларнинг 40 фоизи экспортга йўналтирилган бўлиб, улар асосан Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Озарбайжон каби давлатларга етказиб берилаётир. Корхона раҳбари С.Азиев ўз суҳбатида божхона расмийлаштируви юзасидан муаммолар йўқлигини таъкидлади.

Маълумки, Самарқанд гиламлари сифати ва ўзига хос бичими билан дунё бозорида харидорлиги билан ажралиб туради. Ҳозирда эркин иқтисодий зонада фаолият олиб бораётган «УЕС Gilam» МЧЖ корхонасида ишлаб чиқарилаётган гиламларга талабнинг юқорилиги ҳам фикримизга далил бўла олади. Ишчи гуруҳ корхонанинг ишлаб чиқариш жараёни билан яқиндан танишди: бугунги кунда корхона томонидан қиймати 528,2 минг АҚШ долларилик 256 тоннага тенг гилам ва гилам махсулотлари МДХ давлатларига экспорт қилинган. Учрашувда корхона раҳбари А.Салоҳиддинов божхона расмийлаштируви



жараёнида ҳеч қандай қийинчиликлар юзага келмаётгани, аксинча, божхона ходимлари томонидан экспорт операциялари тўхтовсиз 24 соат мобайнида соддалаштирилган тартибда амалга оширилаётганини мамнуният билан эътироф этди.

Шу билан бирга Ишчи гуруҳ «Urgut Mikro Metal», «UR Jeans», «Grand Fayz Baraka», «Agro Dry Fruits», «Oxalik Oltin Bog'i Mevasi» ва «Zarafshon Tekstil» МЧЖ каби ўнлаб корхоналарга ҳам ташриф буюрди. Ташриф мобайнида корхоналар томонидан ишлаб чиқариш жараёнида учраётган баъзи муаммолар юзасидан муносабатлар билдирилди.

Жумладан, тадбиркорлик субъектлари сўраётган мавзуларнинг аксарият қисми банк-кредит ҳамда мувофиқлик сертификатини олиш билан боғлиқ жараёнлар, дебитор қарздорлиқнинг ундирилиши муддатини узайтириш, хорижий ҳамкорлар билан савдо ҳажмларини тиклаш ва шартномалар тузишда амалий ёрдам кўрсатиш каби масалалар кўтарилди. Билдирилган фикр-мулоҳазалар ўрганилиб, ишлаб чиқариладиган таклифларни ДБКга юбориш бўйича Самарқанд вилояти божхона бошқармаси раҳбариятига топшириқлар берилди.

Ишчи гуруҳ ташрифидан мамнун бўлган «Ургут» ЭИЗ дирекцияси раҳбари ўринбосари Г.Мадров корхоналар томонидан кўтарилган масалаларнинг ижобий ечим топишида яқиндан қўмак бераётган ва мунтазам равишда соҳада олиб бирилаётган ўзгаришлар билан тушунтириш ишлари олиб борилиши изчил йўлга қўйилганлигини айтиб ўтиб, кўрсатилаётган амалий ёрдамлари учун божхона ходимларига ўз миннатдорчилигини билдирди.

✓ ТАШҚИ БОЗОР САРИ

ЭКСПОРТ ИМКОНияТЛАРИДАН ФойДАЛаниБ...

Юртимиз ташқи савдо айланмасида Фарғона вилояти ўз ўрнига эга бўлиб, жорий йилнинг ўтган саккиз ойи давомида 893,6 млн АҚШ долларилик савдо операциялари амалга оширилди. Бу операцияларда 347 млн АҚШ долларига тенг товарлар экспорт қилинган.

Кейинги даврларда экспорт географияси ҳам, экспортчи хўжалик субъектлари сафи ҳам кенгайган: экспорт фаолияти билан шуғулланувчи 496 та тадбиркорлик субъекти ўз товар ва хизматларини 31 та давлатга экспорт қилишга эришди.

Экспорт операцияларида божхона расмийлаштируви вақти муҳим аҳамиятга эга. Бу вақт қанчалик қисқа бўлса, экспортчи юқларини шунчалик тезкорлик билан манзилга нест-нобудсиз етказилади. Бу борада божхона органлари томонидан тадбиркорларга кенг қулайликлар яратиш мақсадида хавф профилига асосан товарлар ва транспорт воситаларини соддалаштирилган тарзда божхона расмийлаштируви ва божхона назоратидан ўтказиш амалиёти жорий қилинган.

Ҳозирда бутун дунёда пандемия сабабли ижтимоий-иқтисодий ҳаёт тарзида бир қатор ўзгаришлар рўй бермоқда. Айниқса, жаҳон иқтисодиётида салбий кўрсаткичлар – пасайишлар кузатишмоқда. Бу эса республикамизнинг иқтисодий барқарорлигига ўз таъсирини ўтказмай қолмайди.

Юртимизда иқтисодий барқарорлиқни таъминлаш, тадбиркорлик субъектларига амалий қўмак бериш мақсадида давлатимиз томонидан қўллаб-қувватлаш чоралари қўлланмоқда. Жумладан, божхона соҳасида ҳам ташқи иқтисодий фаолият иштирокчилари учун бир қатор имтиёз ва имкониятлар берилаётир.

Бу борада қонунчиликдаги янгилликлар ва амалга оширилган ишлар юзасидан фуқароларни хабардор қилиш мақсадида Сурхондарё вилояти телевиденияси орқали ўтказилган брифингда вилоят божхона бошқармаси бошлиги Т.Саидов маълумот берди.

Президентимизнинг 2020 йил 18 майдаги «Ко-

ронавирус пандемияси даврида аҳоли ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш бўйича навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-5996-сон Фармони асосан, тадбиркорларга товарлар (ишлар, хизматлар) импортида қўшилган қиймат солиғини 120 кунгача кечиктириб тўлаш ҳуқуқи берилди.

Шу билан бирга, божхона органларига муносабат қилган кунгача бир йилдан кам бўлмаган даврда ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошираётган микрофирма ва кичик корхоналарга товарларни (истеъмол товарларидан ташқари) олиб киришда ундириладиган божхона бож ва акциз солиғини тўлаш

муддатини 2020 йил 1 июлгача кечиктириш ҳуқуқи берилган эди. Бунда тадбиркор кечиктирилган суммани кейинчалик 120 кун мобайнида тенг улушларда тўлаш имконига эгадир.


Республика ҳудудида дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техникалар тақчиллигининг олдини олиш, шунингдек фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғини муҳофаза қилиш ҳамда коронавирус инфекцияси билан касалланган беморларга ўз вақтида тиббий ёрдам кўрсатилишини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 22 июлдаги 449-сон қарори билан бир қатор тиббий воситаларга имтиёзлар берилди ва уларнинг божхона расмийлаштируви тартиби соддалаштирилди.

Хусусан, қарорга мувофиқ, 2020 йил 1 октябрга қадар:

- 84 турдаги тиббий буюмлар ва тиббий техникалар Ўзбекистон Республикаси-

✓ БЕРНОШИ

ЭРИШИЛГАН



да рўйхатдан ўтказмасдан ва мажбурий сертификациялаштирилмасдан импорт қилинишига;

- 46 турдаги дори воситалари импорт қилинганда ва маҳаллий ишлаб чиқарувчи корхоналар томонидан ишлаб

чиқарилганда уларни давлат рўйхатидан ўтказмасдан ҳамда 5 кунлик муддатда сертификатлаштириш асосида божхона расмийлаштирувини амалга ошириш (импорт қилинганда) ва реализация қилишга рухсат берилди.

Навоий, Самарқанд, Сурхондарё ва Фарғона вилоятлари божхона бошқармалари ахборот хизматлари материаллари асосида.

Фаргона вилояти божхона бошқармаси томонидан 2020 йилнинг август ойи давомида жами 1 823 та экспорт божхона юк декларациялари расмийлаштирилган. Мазкур расмийлаштирилган декларациялар йўлақлар кесимида қуйидаги қўринишга эга:

№	Йўлак	Расмийлаштирилган БЮДлар	% ҳисобиди
1	Яшил	575	31
2	Сарик	977	53
3	Қизил	271	14
Жами		1 823	100

Божхона бошқармаси таркибидаги ташқи иқтисодий фаолият божхона постлари томонидан божхона юк декларацияларини хавф профилларини қўллаган ҳолда йўлақлар турига қараб тезкорлик билан расмийлаштириш назоратга олинган, бу борада бир қатор ижобий натижаларга эришилди.

Тадбиркорлар томонидан божхона юк декларациялари тақдим қилиниб, хавф профилларига асосан «яшил» йўлакка йўналтирилган вақтдан бошлаб юкларни юклагунга қадар юккузатув ҳужжатлари тайёр бўлади деганидир. Тадбиркорлар юкларни юклаб бўлгач, юккузатув ҳужжатларини олиш вақтида божхона ходимлари автотранспорт воситасини маҳсус божхона пломбалари билан қиёслашдан ўтказадилар ва тадбиркор манзил мамла-

кати томон ҳаракатланишни бошлайди.


Божхона юк декларациялари хавф профилларига асосан «сарик» йўлакка йўналтирилган тақдирда ҳам божхона ходими юккузатув ҳужжатларини экспорт қилинаётган товарлар билан солиштириш орқали ҳамда божхона кўздан кечирувини амалга ошириш билан божхона назорати тугатилади ва товарлар ортилган транспорт воситаси ҳам божхона қиёсловидан ўтказиш билан экспортга йўналтирилади.

Ҳозирда бошқарманинг «Қўқон», «Қувасой», «Водий», «Қирғили» ва «Марғилон» ТИФ божхона постлари томонидан экспорт қилинаётган товарларнинг божхона расмийлаштируви хавф профиллари бўйича йўналтирилган йўлақлар бўйича куннинг исталган вақтида қисқа фурсатларда карантин қоидаларига тўлиқ риоя қилган ҳолда амалга оширилмоқда.

Тадбиркорларга экспорт жараёнида вужудда келадиган ҳар қандай муаммолар бўйича сутканинг 24 соати давомида Давлат божхона қўмитасининг қисқа 11-08 рақамли «Ишонч телефони»га ёки Фаргона вилояти божхона бошқармасининг (73) 244-67-31 рақамли «Ишонч телефони»га мурожаат этиши мумкинлигини эсла-тиб ўтамыз.

✓ ИҚТИСОДИЙ САЛОҲИЯТ

Маълумки,
карантин
шароитида
аҳоли ва
тадбиркорларни
қўллаб-қувватлаш
мақсадида
ўндан ортик
Президент фармон
ва қарорлари,
ҳукуматнинг
тегишли
ҳужжатлари қабул
қилинди.



NAVOIY
FREE INDUSTRIAL ECONOMIC ZONE
UZBEKISTAN

«НАВОИЙ» ЭИЗ – ИНВЕСТИТОРЛАР УЧУН КЕНГ ИМКОНИЯТЛАР МАЙДОНИ

Ушбу меъёрий-ҳукукий ҳужжатлар билан бевосита божхона соҳасида яратилган қулайликларни кенг жамоатчиликка етказиш мақсадида «Навоий» ЭИЗ дирекциясида тадбиркор ва хорижий инвесторлар иштирокида давра суҳбати ташкил этилди.

Қайд этиш лозимки, «Навоий» ЭИЗ мамлакатимиз ҳудудида ташкил этилган биринчи эркин иқтисодий зона бўлиб, унинг умумий майдони 564 гектарга тенг. Бугунги кунга қадар мазкур ҳудудда 78 тадбиркорлик субъекти томонидан бир неча ўнлаб лойиҳалар амалга оширилган бўлса, 53 та лойиҳа бўйича қурилиш-монтаж ишлари давом эттирилмоқда.

Ушбу лойиҳалар тўлиқ ишга туширилиши натижасида умумий ўзлаштирилган

хорижий инвестициялар миқдори 85 млн АҚШ долларига етиб, 5 100 дан ортик янги иш ўринлари яратилади.

Биргина жорий йилнинг ўтган саккизи ойи давомида ЭИЗ иштирокчилари томонидан қиймати 11,4 млн АҚШ долларига тенг товарлар экспорт қилинган. Бунда асосан алюмин профиллар (7,1 млн \$), пластмасса буюмлар (3,9 млн \$), қайта ишланган писта (241 минг \$) изоляцияланган кабеллар (105 минг \$), модем ва роутерлар (96 минг \$) каби товарлар Қирғизистон, Литва, Канада, Тожикистон, Россия каби жами 10 та давлатга экспорт қилинган.

Тадбир давомида пандемия даврида божхона соҳасида қабул қилинган меъёрий-ҳукукий ҳужжатлар бўйича йиғилганларга тушунтириш берилди.

НАТИЖАЛАР САРҲИСОБИ

Шунингдек, мазкур қарор билан дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техникаларнинг Ўзбекистондан ташқарига олиб чиқиши 2020 йил 1 октябрга қадар вақтинчалик тўхтатилди.

Пандемия шароитида вилоят божхона ходимлари томонидан экспорт-импорт операциялари тезкорлик билан соддалаштирилган тартибда амалга оширилиб келинмоқда. Республикамиз чегара божхона постлари орқали товарлар ҳаракати узлуксиз давом этмоқда.

Бу борада рақамларга мурожаат қиладиган бўлсан, жорий йилнинг ўтган 8 ойи мобайнида вилоят ташқи савдо айланмаси 187,3 млн АҚШ долларини, бундан экспорт – 80,6 млн, импорт – 106,7 млн АҚШ долларини ташкил этган.

Товарлар 20 га яқин давлатларга экспорт қилинган бўлиб, асосий улуш Афғонистон, Покистон, Россия, Хитой ва Қирғизистон давлатлари ҳисобига тўғри келмоқда.

Экспорт қилинган асосий товарлар: мева-сабзавот маҳсулотлари, калава ип, пахта толаси, озик-овқат, тўқимачилик маҳсулотлари ва ўсимликлар ҳисобига тўғри келади.

Товарларнинг импортига тўхталадиган бўлсак, бу борада ҳамкор давлатлар 42 тани ташкил этади. Бу товарларга асосан металл ва ундан тайёрланган буюмлар, технологик асбоб-ускуналар, ҳайвонлар учун озуқалар, табиий қазилмалар, транспорт ва унинг эҳтиёт қисмлари киради.

Божхона назорати ва расмийлаштируви жараёнида

яратилган қулайликлар тадбиркорлар томонидан, аynикса кишлоқ хўжалиги маҳсулотларини четга экспорт қилувчи экспортчилар томонидан тўла қўллаб-қувватланмоқда. Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида вилоят ҳудудида фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектлари томонидан 77,8 минг тонна мева-сабзавот маҳсулотлари Афғонистон, Россия, Покистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Ироқ ва ўнлаб Европа давлатларига экспорт қилинган.

Пандемия даврида тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш ҳамда уларга иқтисодий қўмак бериш мақсадида божхона бошқармаси томонидан 2020 йилнинг январь-август ойлари мобайнида божхона тўловлари бўйича жами 245 млрд сўмлик имтиёзлар қўлланилган.

Ҳозирги кунда вилоят ҳудудида жойлашган халқаро мақомга эга «Айритом» ва «Сариосиё» чегара божхона постлари туну-кун тўхтовсиз ўз фаолиятини амалга оширмоқда.

Тартибга асосан, чегара божхона пости орқали ҳаракатланаётган ҳар бир хайдовчидан коронавирусга тест таҳлиллари олиниб, таҳлил натижаларига кўра ташувни давом эттиришга рухсат берилмоқда.

Шунингдек, янги тартибга асосан хорижий юк автотранспорт воситаларининг республика ҳудудида бўлишининг умумий муддати 90 кундан 10 кунга қисқартирилди ҳамда уларнинг республика ҳудуди бўйлаб ҳаракатланиш йўналишлари ва тўхташ мумкин бўлган жойлари аниқ белгилаб берилди.

Рақамларга эътибор қаратадиган бўлсак, вилоят божхона бошқармаси та-сарруфидаги чегара бож-

хона постлари орқали жорий йилнинг ўтган даври мобайнида жами 30 483 та автотранспорт воситасида (импорт – 2 705 та, экспорт – 14 743 та ва транзит – 13 033 та) ҳамда темир йўл чегара постлари орқали жами 65 419 та (импорт – 2 337 та, экспорт – 17 015 та ва транзит – 46 067 та) темир йўл вагонларида ташқи савдо юклари ташилган.

Бир сўз билан айтганда, божхона хизмати органлари ходимларининг халқимиз хотиржамлиги ва дастурхонларимиз тўқинлигини таъминлаш йўлидаги фаолияти изчил давом этмоқда.

Шу ўринда эслашиб ўта-миз, фуқароларнинг божхона соҳасига оид мурожаатлари учун вилоят божхона бошқармасининг 225-02-26 рақамли ишонч телефонлари куну-тун ишламоқда.

Навоий, Самарқанд, Сурхондарё ва Фаргона вилоятлари божхона бошқармалари ахборот хизматлари материаллари асосида.

КОРХОНА ТУГАТИЛГАНДА МОЛ-МУЛК

Ташки ёки ички кийинчиликлар бизнеснинг тутатилишига олиб келиши мумкин. Муассислар ана шундай қарорга келган бўлсалар, корхона активлари қандай тасарруф этилади, деган савол юзага келади. Унга тааллуқли операциялар ҳисобда қандай акс эттирилади, улар қандай солиқ оқибатларига олиб келади?

– Мол-мулкни иштирокчилар ўртасида тақсимлашдан олдин барча қарзларни сўндириш, кредиторлар, бюджет, ходимлар билан ҳисоблаш лозим. Пул маблағлари етмаётган бўлса:

- оборотдаги активлар – товарлар,

маҳсулотлар, материалларнинг қолдиқларини реализация қилинг;

- дебиторларингиз билан ишланг, барча тугалланмаган шартномаларни мантқиқий якунига етказинг;
- асосий воситаларни реализация қилинг.



Ушбу операцияларнинг барчаси солиқ оқибатларига олиб келади, шу сабабли пул маблағларини сўнги бор тақсимлаётганда улар солиқларни тўлашига етиши кераклигини ҳисобга олинг.

Қарзлар сўндирилганидан кейин корхона балансида қиймати бўйича хусусий капиталга тенг бўлган активлар (соф активлар) қолади. Одатда асосий воситалар, пул ва бошқа молиявий активлар қолади. Улар ҳар бир муассиснинг устав капиталидаги улушига мутаносиб равишда тақсимланиши кераклиги боис асосий воситаларни тақсимлашда кийинчиликлар юзага келади.

Кўп ҳолларда мулкдорлар нима-ни киритган бўлсак, ўшани олиб кетишимиз керак деб ҳисоблайдилар. Бунда энди у корхонанинг мулки эканлигини унутмаслик лозим. Иштирокчиларнинг умумий йиғилиши бу ҳақда қарор қабул қилса, бундай ёндашувни оқлаш мумкин.



Активларнинг мулкдорлар ўртасида тақсимланиши солиқ оқибатларига олиб келиши мумкин, шу сабабли пул маблағларини тақсимлаётганда ҳисобланган солиқларни тўлаш заруратини назарда тутинг.

Активларни тақсимлаётганда корхонанинг хусусий капитали таркибини ҳисобга олинг. Одатда унга устав капитали, тақсимланмаган фойда (қопланмаган зарар), жамғарилган қайта баҳолаш кирди.

АВни қолдиқ қийматидан паст бўлмаган қийматда тақсимлаш чоғида жамғарилган қайта баҳолаш суммаси уларнинг чиқиб кетишидан олинган солиқ солинадиган даромадга айланади.

Тақсимланмаган фойдани тақсимлаётганда дивидендлар ҳисобланади, улардан солиқ ушлаб қолиш лозим.

Қопланмаган зарар мавжуд бўлса, муассислар киритганидан кўра камроқ сумма тақсимланиши аён. Яъни зарар суммаси ҳар бир иштирокчининг улушига мутаносиб ҳиссанинг қайтариладиган суммасини камайтиради.

Иштирокчилар ўртасида тақсимлаш

Зарур хатти-ҳаракатларни мисол ёрдамида кўриб чиқамиз.

Тугатилаётган ҚҚС ва фойда солиғини тўловчи корхона мулкдорла-

ри – 60% ва 40% улуш қўшган икита жисмоний шахс. Барча қарзлар сўндирилганидан кейин корхона баланси қуйидаги кўринишга эга:

Актив	Сумма, минг сўмда	Пассив	Сумма, минг сўмда
Асосий воситалар (0100)	180 000	Устав капитали (8300)	100 000
АВнинг эскириши суммаси (0200)	60 000	Резерв капитали (8500)	30 000
АВнинг қолдиқ қиймати	120 000	Тақсимланмаган фойда (8700)	70 000
Ҳисоб-китоб счётидаги пул маблағлари (5100)	80 000		
Актив бўйича жами	200 000	Пассив бўйича жами	200 000

Балансда бир вақтнинг ўзига харид қилинган 2 та бир хил АВ объекти бор. Ҳар бир объект характеристикаси:

- баланс қиймати – 90 000 минг сўм;

- эскириш – 30 000 минг сўм;
- қайта баҳолаш сальдоси – 15 000 минг сўм.

Муассислар ҳар бирига биттадан объект қолдиқ қиймати бўйича берилиши ҳақида қарор қабул қилдилар.

1-ҚАДАМ. Хусусий капитални тақсимлаш

Ҳўжалик операциясининг мазмуни	Сумма, минг сўмда	Дебет	Кредит
Корхона муассисларига ҳиссаларни қайтариш	100 000	8330-«Пай ва бадаллар»	6620-«Чиқиб кетаётган муассисларга уларнинг ҳиссалари бўйича қарздорлик»
Фойдани тақсимлаш	70 000	8700-«Тақсимланмаган фойдани (қопланмаган зарарни) ҳисобга олувчи счётлар»	6610-«Тўланадиган дивидендлар»
Дивидендлар тарзидаги даромаддан солиқ ушлаб қолиш (70 000 x 5%)	3 500	6610-«Тўланадиган дивидендлар»	6410-«Бюджетга тўловлар бўйича қарздорлик (турлари бўйича)»

Капитал тақсимлангач ва дивидендлардан солиқ ушлаб қолингач, корхона муассисларга қуйидагиларни бериши керак:

- дивидендлар: $70\,000 - 3\,500 = 66\,500$ минг сўм. Шу жумладан:
- 1-муассисга: $66\,500 \times 60\% = 39\,900$ минг сўм;
- 2-муассисга: $66\,500 \times 40\% = 26\,600$ минг сўм;
- устав капиталига ҳиссалар: $100\,000$ минг сўм. Шу жумладан:
- 1-муассисга: $100\,000 \times 60\% = 60\,000$ минг сўм;
- 2-муассисга: $100\,000 \times 40\% = 40\,000$ минг сўм.

2-ҚАДАМ. Муассисларга асосий воситаларни бериш

АВни бериш қиймати: қолдиқ қиймат + ҚҚС.

Қолдиқ қиймат: $90\,000 - 30\,000 = 60\,000$ минг сўм.

ҚҚС: $60\,000 \times 15\% = 9\,000$ минг сўм.

Бериш қиймати: $60\,000 + 9\,000 = 69\,000$ минг сўм.


Ҳўжалик операциясининг мазмуни	Сумма, минг сўмда	Дебет	Кредит
1-муассис – улуши 60%			
АВнинг баланс қийматини ҳисобдан чиқариш	90 000	9210-«Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши»	0100-«Асосий воситаларни ҳисобга олувчи счётлар»
Қолдиқ қийматга ҚҚС ҳисоблаш ((90 000 – 30 000) x 15%)	9 000	9210-«Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши»	6410-«Бюджетга тўловлар бўйича қарздорлик (турлари бўйича)»
Жамғарилган эскиришни ҳисобдан чиқариш	30 000	0200-«Асосий воситалар эскиришини ҳисобга олувчи счётлар»	9210-«Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши»
Қайта баҳолаш сальдосини ҳисобдан чиқариш	15 000	8510-«Узоқ муддатли активларни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар»	9210-«Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши»
Муассис олдидagi дивидендлар бўйича қарзни сўндириш	39 900	6610-«Тўланадиган дивидендлар»	9210-«Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши»
Дивидендлардан солиқ бюджетга тўланди	2 100	6410-«Бюджетга тўловлар бўйича қарздорлик (турлари бўйича)»	5110-«Ҳисоб-китоб счёти»
УФга ҳисса бўйича қарзни сўндириш (69 000 – 39 900)	29 100	6620-«Чиқиб кетаётган муассисларга уларнинг ҳиссалари бўйича қарздорлик»	9210-«Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши»
АВнинг чиқиб кетишидан олинган фойдани аниқлаш	15 000	9210-«Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши»	9310-«Асосий воситаларнинг чиқиб кетишидан фойда»

Ушбу операция натижасида:

- АВни реализация қилишдан фойда юзага келди – 15 000 минг сўм, у фойда солиғини ҳисоблаш чоғида жами даромадга киритилади;
- дивидендлар бўйича муассис олдидagi 39 900 минг сўм миқдоридаги қарз сўндирилди ва бир вақтнинг ўзига дивидендлардан 2 100 минг сўм миқдорида солиқ бюджетга ўтказилди;
- 29 100 минг сўмлик суммадаги УҒга ҳисса бўйича муассис олди-

даги қарз қисман сўндирилди. Қарз қолдиғи:

- $60\,000 - 29\,100 = 30\,900$ минг сўм.



ҚАНДАЙ ТАСАРРУФ ЭТИЛАДИ

Ҳўжалик операциясининг мазмуни	Сумма, минг сўмда	Дебет	Кредит
2-муассис – улуши 40%			
АВнинг баланс қийматини ҳисобдан чиқариш	90 000	9210-«Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши»	0100-«Асосий воситаларни ҳисобга олувчи сўтлар»
Қолдиқ қийматга ҚҚС ҳисоблаш ((90 000 – 30 000) x 15%)	9 000	9210-«Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши»	6410-«Бюджетта тўловлар бўйича қарздорлик (турлари бўйича)»
Жамғарилган эскиришни ҳисобдан чиқариш	30 000	0200-«Асосий воситалар эскиришини ҳисобга олувчи сўтлар»	9210-«Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши»
Қайта баҳолаш сальдосини ҳисобдан чиқариш	15 000	8510-«Узок муддатли активларни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар»	9210-«Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши»
Муассис олдидаги дивидендлар бўйича қарзни сўндириш	26 600	6610-«Тўланадиган дивидендлар»	9210-«Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши»
Дивидендлардан солиқ бюджетга тўланди	1 400	6410-«Бюджетта тўловлар бўйича қарздорлик (турлари бўйича)»	5110-«Ҳисоб-китоб сўти»
УФга ҳисса бўйича қарзни сўндириш	40 000	6620-«Чиқиб кетаётган муассисларга уларнинг ҳиссалари бўйича қарздорлик»	9210-«Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши»
Муассиснинг корхона олдидаги қарзини аниқлаш (69 000 – 26 600 – 40 000)	2 400	4890-«Бошқа дебиторларнинг қарзлари»	9210-«Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши»
Муассис қарзни сўндирди	2 400	5110-«Ҳисоб-китоб сўти»	4890-«Бошқа дебиторларнинг қарзлари»
АВнинг чиқиб кетишидан олинган фойдани аниқлаш	15 000	9210-«Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши»	9310-«Асосий воситаларнинг чиқиб кетишидан фойда»

Ушбу операция натижасида:

- АВни реализация қилишдан фойда юзага келди – 15 000 минг сўм, у фойда солиғини ҳисоблаш чоғида жами даромадга киритилади;
- дивидендлар бўйича муассис олдидаги қарз сўндирилди – 26 600 минг сўм, ва бир вақтнинг ўзида дивидендлардан солиқ бюджетга ўтказилди – 1 400 минг сўм;
- 40 000 минг сўмлик суммадаги УФга ҳисса бўйича муассис олдидаги қарз сўндирилди;
- муассисда 2 400 минг сўмлик суммадаги қарз юзага келди, муассис уни корхонанинг ҳисоб-китоб сўтига ўтказди.

АВни бериш чоғида ҳисобварақ-фактура қандай расмийлаштирилади

Ҳисобварақ-фактураларнинг шакллари тўғрисидаги янги низомда (ВМнинг 14.08.2020 йилдаги 489-сон қарорига 2-илова) АВнинг чиқиб кетиши чоғида ҳисобварақ-фактурани расмийлаштиришга оид алоҳида қоидалар белгиланмаган. Шу

сабабли ҳисобварақ-фактурани товарни реализация қилиш чоғида бўлганидек одатдаги тартибда расмийлаштиринг.

АВни бериш чоғида ҳисобварақ-фактуранинг жадвал қисмини расмийлаштириш:

Т/р	Товарлар (ишлар, хизматлар) номи	Ўлчов бирлиги	Миқдори	Нархи	Етказиб бериш қиймати	ҚҚС		Етказиб беришнинг ҚҚС-ни ҳисобга олган ҳолда қиймати
						ставка	сумма	
1	2	3	4	5	6	7	8	
1	Асосий восита	дона	1	60 000 000	60 000 000	15%	9 000 000	69 000 000
	Жами тўлашга: Олтиш тўққиз миллион сўм				60 000 000		9 000 000	69 000 000

3-ҚАДАМ. Солиқларни ҳисоблаш ва ўтказиш, молиявий натижани шакллантириш

Ҳўжалик операциясининг мазмуни	Сумма, минг сўмда	Дебет	Кредит
АВнинг чиқиб кетишидан олинган даромаддан фойда солиғини ҳисоблаш (30 000 x 15%)	4 500	9810-«Фойда солиғи бўйича харажатлар»	6410-«Бюджетта тўловлар бўйича қарздорлик (турлари бўйича)»
Фойда солиғини тўлаш	4 500	6410-«Бюджетта тўловлар бўйича қарздорлик (турлари бўйича)»	5110-«Ҳисоб-китоб сўти»
ҚҚС тўлаш (шартли равишда ҳисобга олинган ҚҚС йўқ деб фараз қиламиз)	18 000	6410-«Бюджетта тўловлар бўйича қарздорлик (турлари бўйича)»	5110-«Ҳисоб-китоб сўти»
Молиявий натижани шакллантириш	30 000	9310-«Асосий воситаларнинг чиқиб кетишидан фойда»	9910-«Пировард молиявий натижа»
	4 500	9910-«Пировард молиявий натижа»	9810-«Фойда солиғи бўйича харажатлар»
	25 500	9910-«Пировард молиявий натижа»	8710-«Ҳисобот давридаги тақсимланмаган фойда (қопланмаган зарар)»

Амалга оширилган операциялардан кейин корхона баланси:

Актив	Сумма, минг сўмда	Пассив	Сумма, минг сўмда
Асосий воситалар (0100)	—	Устав капитали (8300)	—
АВнинг эскириши суммаси (0200)	—	Резерв капитали (8500)	—
АВнинг қолдиқ қиймати	—	Тақсимланмаган фойда (8700)	25 500
Ҳисоб-китоб сўтидаги пул маблағлари (5100)	80 000 – 3 500 + 2 400 – 4 500 – 18 000 = 56 400	Муассисларга бўлган қарз (6620)	30 900
Актив бўйича жами	56 400	Пассив бўйича жами	56 400

4-ҚАДАМ. Фойдани тақсимлаш ва якуний ҳисоб-китоб

АВ чиқиб кетганидан кейин корхонада 25 500 минг сўм миқдорида қўшимча фойда юзага келди. Уни улушларга мутаносиб равишда тақсимлаймиз:

- 1-муассис: 25 500 x 60% = 15 300 минг сўм;
 - 2-муассис: 25 500 x 40% = 10 200 минг сўм.
- Солиқни ушлаб қоламиз: 25 500 x 5% = 1 275 минг сўм.
- Дивидендлар бўйича корхонанинг қарзи:
- 1-муассис: 15 300 x 95% = 14 535 минг сўм;
 - 2-муассис: 10 200 x 95% = 9 690 минг сўм.

Ҳўжалик операциясининг мазмуни	Сумма, минг сўмда	Дебет	Кредит
Дивидендларни ҳисоблаш	25 500	8710-«Ҳисобот давридаги тақсимланмаган фойда (қопланмаган зарар)»	6610-«Тўланадиган дивидендлар»
Дивидендлардан солиқ ушлаб қолиш (5%)	1275	6610-«Тўланадиган дивидендлар»	6410-«Бюджетта тўловлар бўйича қарздорлик (турлари бўйича)»
Дивидендларни тўлаш	24 225	6610-«Тўланадиган дивидендлар»	5110-«Ҳисоб-китоб сўти»
Бюджетта солиқ тўлаш	1275	6410-«Бюджетта тўловлар бўйича қарздорлик (турлари бўйича)»	5110-«Ҳисоб-китоб сўти»
УФга ҳисса бўйича қарзнинг қолдиғини сўндириш	30 900	6620-«Чиқиб кетаётган муассисларга уларнинг ҳиссалари бўйича қарздорлик»	5110-«Ҳисоб-китоб сўти»

Бюджет ва муассислар билан узил-кесил ҳисоб-китоб қилгандан кейин баланснинг барча моддалари нолга тенг.

Наталья МЕМЕТОВА,
«Norma» компаниясининг етакчи эксперти.

КАМЕРАЛ ТЕКШИРУВ: ҚАНЧА ҲУЖЖАТ СЎРАЛИШИ МУМКИН

Солиқ органи сиз билан «талабнома» орқали мулоқот қилиши камерал текширув қондаларида назарда тутилган. У фаолиятингизга салбий таъсир кўрсатмай, тезкор тузатиш киритишга йўналтирилган. Инспекторлар корхонангиз камерал текширувдан ўтказилаётгани ҳақида сизни хабардор қилишга мажбур эмаслар. Уни ўтказиш учун прокуратура органларининг розилигини олишга ҳам.

Инспекторга зарур ахборот ёки ҳужжатларни тақдим этиш кераклиги ҳақида ёзма талабнома олгандагина камерал текширувдан ўтказилаётганингиз ҳақида хабар топасиз. Уларни қанча ҳажмда талаб қилиб олишлари мумкин? Ҳаддан ортиқ талабномалар юборилганидан норози бўлиб шикоят аризаси бериш мумкинми? «Norma» компанияси экспертлари бу масалага ойдинлик киритишга уринди.

– Камерал текширув доирасида солиқ ҳисоботидаги кўрсаткичлар ва маълумотларнинг ишончлилигини тасдиқлаш учун инспекторлар қуйидагиларга ҳақлилар:

- текширилаётган корхонадан ҳужжатлар ва ахборотни талаб қилиб олиш (Низом 11-б., АВ рақами 3236, 29.05.2020 й.);

- текширилаётган корхона контрагентларидан ҳужжатлар ва ахборотни талаб қилиб олиш (Низом 14-б.);

- солиқ тўловчининг раҳбари, бош бухгалтери ёки вакилини инспекцияга чақириш;

- ҳудуд, асбоб-ускуналар ва ишлаб чиқариш қувватларини кўздан кечиришлари (Низом 4-б.);

- гувоҳларни сўроқ қилишлари (Низом 24-б.);

- текширувга экспертлар, мутахассислар ва таржимонларни жалб этишлари мумкин (Низом 24-б.).

Текширилаётган корхонадан ҳужжатларни талаб қилиб олиш

Корхонангиз манзилига лозим даражада расмийлаштирилган ҳужжатларни олиш тўғрисида сўровнома келиб тушган бўлса, қуйидагиларни солиқ инспекциясига йўллашингиз шарт:

- 1) бирламчи ҳужжатларни, бухгалтерия ҳисоби регистрларини ҳамда солиқларни ҳисоблаб чиқариш учун асос бўлган бошқа ҳисоб ҳужжатларини;

- 2) тақдим этилган солиқ ҳисоботи ва ҳисоб ҳужжатларига доир тушунтиришларни;

- 3) солиқларни ва (ёки) йиғимларни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш билан боғлиқ бошқа ахборотларни (Низом 11-б.).

Сўровнома, одатда, солиқ тўловчининг шахсий кабинети орқали юборилади (Низом 12-б.) ва солиқ органининг бошлиғи ёки бошлик ўринбосари томонидан имзоланган бўлиши керак.

Сўралаётган ҳужжатлар ҳажми катта бўлиб, уларни тўплашга жисмонан улгурмаётган бўлсангиз, сўровнома олинган кундан эътиборан кейинги кун давомида солиқ органига зарур ҳужжатларни тайёрлаш муддатини узайтиришни сўраб ариза жўнатиш (Низом 13-б.). Унда уларни беш кун ичида тақдим этишга улгурмаётганингиз сабабини аниқ қилиб тушунтириш, шунингдек сизга қанча вақт зарур бўлишини кўрсатинг.

– Солиқ инспекциясидан сўровнома келиб тушди, шунда корхона камерал текширувдан ўтказилаётганини билдик. Бунинг учун солиқчилар 3 йил учун топширилган солиқ ҳисоботларига доир барча ҳужжатларни тақдим этишни талаб қилмоқдалар. Улар бунчалик катта

ҳажмдаги ҳужжатларни талаб қилиб олишга ҳақлими?

– Ҳа, инспекторлар катта ҳажмдаги ҳужжатларни талаб қилиб олишга ҳақли, сабаби қонунчилик нуктаи назаридан солиқ органи учун сўраб олинган ҳужжатлар миқдори чекланмаган. Асосийси, улар қуйидагиларга тааллуқли бўлиши лозим:

- а) солиқларни ёки йиғимларни ҳисоблаб чиқаришга;

- б) даъво муддати ўтмаган даврга (Низом 3-б.).

Бирок амалиётда текширувчилар суниестеъмолчиликларга йўл қўядиган ҳолатлар учраб туради. Бундай ҳолларда уларнинг талабларига кўр-кўро-на бўйсунмаслик керак.

Солиқ органи оддий мантиқни писанд қилмаган тақдирда

Ўзбекистон амалиётида солиқ органи оддий мантиқни писанд қилмаслигига оид ёрқин мисол учрамаган. Бошқа томондан, янгиланган солиқ қонунчилиги бўсағасида турибмиз. Россия Федерациясидagi ҳамкасбларимиз жуда қизиқарли ахборотни биз билан баҳам кўрдилар, шундай воқеа рўй берганига одамнинг ишонгиси ҳам келмайди.

Солиқ инспекцияси текширув давомида солиқ тўловчидан умумий ҳажми қарийб 6,26 млн варақдан иборат ҳужжатларнинг нусхаларини тақдим этишни талаб қилган. Уларни тайёрлаш учун 10 кун муддат берган. Солиқчилар тайёрлаш муддатини узайтиришдан ёки ҳужжатларни солиқ тўловчининг офисида кўриб чиқишдан бош тортганлар.

Солиқ тўловчи оддий мантиққа таянган ва математикани қўллашга мажбур бўлган. Унинг ҳисоб-китобларига кўра:

- талаб қилинаётган ҳажмдаги ҳужжатларни тайёрлаш учун 100 та нусха кўчириш ускунаси керак бўлади;


- техник регламентга кўра битта ускунага тушадиган энг кўп юклама бир ойда 30 000 варақни ташкил этишини ҳисобга олсак, ушбу ускуналар 2 ой тинмай ишлаши керак;

- нусха кўчирадиганларнинг иш ҳақи, ускуналарнинг амортизацияси ва электр энергияси учун харажатларни ҳисобга олмаганда, фақат қоғоз ва картрижлар қиймати ҳисобга олганда талаб қилинган нусхалар 3,2 млн рублга тушади;

- нусхаларнинг оғирлиги қарийб 30 тоннани ташкил этади;

- уларни етказиб бериш учун 20 та ГАЗель керак бўлади;

- ҳужжатларни юклаб ортиш-тушириш учун камида 26 та юк ташувчини ёллашга тўғри келади.



Шу билан иш битади, деб ўйлайсизми? Йўқ, бугеги янада қизиқарли тус олади... РФ Мехнат кодекси нормаларига ва солиқчиларнинг лавозим йўриқномаларига мувофиқ, барча ҳужжатларни ўрганиб чиқиш учун мазкур текширувни ўтказишга ваколатли бўлган тўртта инспектор 1 950 иш кун давомида 8 соатлаб узлуксиз ишлашига тўғри келади (бир йилни 250 иш кунидан иборат дея яхлитлаб олсак, бунга қарийб 8 йил вақт керак бўлади). Бу эса текширув ўтказиш учун ажратилган муддатдан солиштириб бўлмайдиган даражада кўп демасдир.

Вазиятни таҳлил қилган солиқ тўловчи инспекторларнинг талабларини ҳақиқий эмас деб топишни сўраб ариза билан судга мурожаат қилган. Биринчи инстанция ва апелляция бирин-кетин ариза берувчининг талабларини қаноатлантирган – бундай ҳажмдаги ҳужжатларнинг сўралишини ҳақиқий эмас деб топган. Солиқчилар кассация шикояти берганлар, бироқ юқори турувчи суд ҳам солиқ тўловчига бундай талаб қўйишни қонуний деб топмаган.

Судьялар солиқ органи назорат функцияларини бажариш чоғида тадбиркорлик фаолияти эркинлигини, бундай чеклов адекват, адолатли ва мутаносиб бўлган тақдирдагина чеклашлари мумкин дея аниқлик киритганлар.

Мазкур ҳолатда эса солиқчилар ўзлари ўрганиб чиқишга улгурмайдиган ҳужжатларни қисқа муддат ичида тайёрлаш мажбуриятини солиқ тўловчининг зиммасига юклаб, бундай чекловларни бузганлари аниқ.

Ниҳоят, солиқчиларнинг текширув учун «ортика» ҳужжатларни тақдим этиш бўйича талабларини ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисида суднинг ҳал қилув қарори чиқарилган.

Ўзбекистонда бундай мисоллар ҳозирча учрамади, бироқ солиқ тўловчилар бундай вазиятда қандай йўл тутиш кераклигини билиб қўйганлари маъқул: улар солиқ органининг талабларини ҳақиқий эмас деб топишни сўраб ариза билан судга мурожаат қилишлари мумкин. Келтирилган мисолда солиқ тўловчи қандай қилган бўлса, худди шундай тарзда аризани аниқ ва кўрғазмали мисоллар билан асослаш лозим.

Элеонора МАЗУРОВА, адвокат,
Альберт САФИН, юрист,
«Norma» МЧЖ экспертлари.

СОЛИҚ ВА БОЖХОНА Молиявий-иқтисодий, ахборот-ҳуқуқий газета ТАЪСИСЧИ «Norma» МЧЖ Газета 2018 йил 12 июнда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида рўйхатга олинган. Рўйхатдан ўтиш тартиб рақами 0040. Ҳафтада бир марта сешанба кунлари чиқади.	Бош муҳаррир Фарҳод Собирович ҚҮРБОНБӨВ	Нашр учун масъул – бош муҳаррир ўринбосари, масъул котиб Нодир Носирович АЛИМОВ Саҳифаловчи Наталья БАРАНОВА	МАНЗИЛИМИЗ: 100105, Тошкент ш., Миробод тумани, Таллимаржон кўч., 1/1 ТЕЛЕФОН/ФАКС Тахририят: (71) 200-00-90; E-mail: sbx@norma.uz, gazeta@norma.uz, web: norma.uz	Обуна, газеталар, китоблар, газеталарнинг электрон версияларини етказиб бериш ва харид қилиш масалалари бўйича (71) 200-00-30; «Norma» АҚТ бўйича – (71) 200-00-90; рекламани жойлаштириш бўйича (71) 231-07-91 телефон рақамларига мурожаат қилиш мумкин.
--	--	--	---	---